Бутун дунё пролетарлари, бирлашингиз!

ТОШКЕНТ ҲАҚИҚАТИ

ЎЗБЕКИСТОН КОММУНИСТИК ПАРТИЯСИ ТОШКЕНТ ОБЛАСТЬ КОМИТЕТИ ВА ХАЛҚ ДЕПУТАТЛАРИ ТОШКЕНТ ОБЛАСТЬ СОВЕТИНИНГ ОРГАНИ

№ 90 (6202).

8 МАЙ ДУШАНБА

1978 ЙИЛ.

Баҳоси 2 тийин.

РЕВОЛЮЦИОН КУРАШ ФАНИ

КПСС Марказий Комитети Сиёсий бюроси аъзолигига кандидат, РСФСР Министрлар Советининг Раиси М. С. Соломенцевнинг В. И. Ленин туғилган куннинг 108 йиллигига бағишланиб Москвада ўтказилган тантанали мажлисда «Ленинизм — революцион кураш ва коммунистик бунёдкорлик фани» мавзуида қилган доклади тексти брошюра қилиб босмадан чиқарилди. Брошюрани Сиёсий адабиёт нашриёти чоп этган.

(ТАСС).



Суратда: Қўшма декларацияни имзолаш пайти.

(ТАСС телефотоси).

ГЕРМАНИЯ БИРЛАШГАН СОЦИАЛИСТИК ПАРТИЯСИ МАРКАЗИЙ КОМИТЕТИНИНГ БОШ СЕКРЕТАРИ, ГЕРМАНИЯ ДЕМОКРАТИК РЕСПУБЛИКАСИ ДАВЛАТ КЕНГАШИНИНГ РАИСИ

Ўртоқ Эрих ХОНЕККЕРга

ГЕРМАНИЯ ДЕМОКРАТИК РЕСПУБЛИКАСИ МИНИСТРЛАР СОВЕТИНИНГ РАИСИ

Ўртоқ Вилли ШТОФга

Азиз ўртоқлар!

Немис халқи гитлерчи фашизмдан озод бўлган кунининг 33 йиллиги муносабати билан Совет Иттифоқи Коммунистик партияси Марказий Комитети, СССР Олий Совети Президиуми, СССР Министрлар Совети номидан, барча совет кишилари номидан Сизга, Германия Бирлашган социалистик партиясининг Марказий Комитетига, ГДР Давлат кенгаши ва Министрлар Советига, Германия Демократик Республикасининг халқига самимий салом ва қардошларча табрик йўллаймиз.

Совет Армиясининг, антигитлерчилар коалициясининг 1945 йил май ойида қозонган ғалабаси немис халқининг тақдирида тарихий бурилиш бошланишига асос қўйди. Германия Демократик Республикасининг меҳнаткашлари империализм ва фашизм жиноий сиёсатининг оғир меросини бартараф қилиб, ўз авангарди — Германия Бирлашган социалистик партиясининг раҳбарлигида чуқур революцион ўзгаришларни амалга оширдилар ва Совет Иттифоқининг, бошқа қардош мамлакатларнинг ҳар томонлама ёрдами ҳамда кўмагига таяниб, экономика, фан ва маданиятни ривожлантиришда, ўзининг социалистик ватанини мустаҳкамлашда жуда катта муваффақиятларга эришдилар.

Ривожланган социалистик жамият қуриш йўлидан комил ишонч билан олға бораётган Германия Демократик Республикаси социалистик мамлакатларнинг дўст оиласида, жаҳондаги барча тинчликсевар халқлар орасида муносиб обрў-эътиборга сазовор бўлди. ГДР Ўзаро Иқтисодий Ёрдам Кенгашига аъзо бўлган давлатларнинг социалистик иқтисодий интеграция комплекс программасини амалга оширишда, Варшава Шартномаси ташкилотининг фаолиятида актив қатнашмоқда. Социалистик мамлакатларнинг кескинликни юмшатиш жараёнини ривожлантириш ва чуқурлаштириш учун мустаҳкам тинчлик ва халқаро хавфсизлик учун биргаликда олиб бораётган курашига республиканинг қўшаётган ҳиссаси салмоқлидир.

Совет халқи СССР билан ГДР ўртасидаги муносабатларнинг қардошлик, интернационалистик характерига, КПСС билан ГБСПнинг мустаҳкам ўзаро алоқаларига, социалистик ва коммунистик қурилишда немис дўстларимиз билан мустаҳкамланиб бораётган ҳамкорликка юксак баҳо беради. Совет коммунистлари, барча совет кишилари ГДР коммунистлари, меҳнаткашлари билан дўстликни бундан буён ҳам мустаҳкамлашга, дўстлик, ҳамкорлик ва ўзаро ёрдам тўғрисида 1975 йил 7 октябрда тузилган Шартномага мувофиқ ҳар икки партия ва ҳар икки мамлакатнинг замон синовидан ўтган мустаҳкам ҳамкорлигини бундан буён ҳам чуқурлаштириш ва бойитиш йўлидан боришга яқдиллик билан интилмоқдалар.

Азиз ўртоқлар ва дўстлар, Сизга, Германия Демократик Республикасининг бутун халқига ГБСП IX съездининг қарорларини бажаришда, тинчлик ва коммунизм идеалларининг тантанаси учун курашда янгидан-янги муваффақиятлар тилаймиз.

Яшасин СССР ва ГДР халқлари ўртасидаги абадий ва бузилмас дўстлик!

Л. БРЕЖНЕВ — А. КОСИГИН

КПСС МАРКАЗИЙ КОМИТЕТИ БОШ СЕКРЕТАРИ, СССР ОЛИЙ СОВЕТИ ПРЕЗИДИУМИ РАИСИ Л. И. БРЕЖНЕВНИНГ ГЕРМАНИЯ ФЕДЕРАТИВ РЕСПУБЛИКАСИДА БЎЛИШИ ТЎҒРИСИДА

АХБОРОТ

Германия Федератив Республикаси Президенти В. Шеель ва Германия Федератив Республикаси федерал канцлери Г. Шмидтнинг таклифига биноан, Совет Иттифоқи Коммунистик партияси Марказий Комитетининг Бош секретари, Совет Социалистик Республикалари Иттифоқи Олий Совети Президиумининг Раиси Л. И. Брежнев 1978 йил 4 майдан 7 майгача расмий визит билан Германия Федератив Республикасида бўлди.

КПСС Марказий Комитетининг Бош секретари, СССР Олий Совети Президиумининг Раиси Л. И. Брежнев ва КПСС Марказий Комитети Сиёсий бюросининг аъзоси, СССР ташқи ишлар министри А. А. Громико Германия Федератив Республикасининг Президенти В. Шеель, Германия Федератив Республикасининг федерал канцлери Г. Шмидт ва федерал канцлернинг ўринбосари, ташқи ишлар федерал министри Г.- Д. Геншер билан бир неча бор учрашдилар ва суҳбатлашдилар.

Визит вақтида ўтказилган учрашувларда қуйидагилар қатнашди:

Совет Социалистик Республикалари Иттифоқи томонидан СССР Министрлар Совети Раисининг ўринбосари Н. А. Тихонов, ташқи савдо министри Н. С. Патоличев, граждан авиацияси министри Б. П. Бугаев, КПСС Марказий Комитети Бош секретарининг ёрдамчилари А. М. Александров, А. И. Блатов, КПСС Марказий Комитетининг бўлим мудири Л. М. Замятин, СССР ташқи ишлар министрининг ўринбосари А. Г. Ковалев, СССРнинг ГФРдаги элчиси В. М. Фалин, ташқи савдо министрининг ўринбосари Н. Д. Комаров, КПСС Марказий Комитети бўлим мудирининг ўринбосари А. С. Черняев, СССР Ташқи ишлар министрлиги коллегиясининг аъзоси А. П. Бондаренко;

Германия Федератив Республикаси томонидан ҳўжалик федерал министри О. Ламбсдорф, транспорт, почта ва алоқа федерал министри К. Гшайдле, федерал канцлер ҳузуридаги давлат министри Г.- Ю. Вишневский, статс-секретарь, федерал президент маҳкамасининг раҳбари П. Франк, статс-секретарь, федерал ҳукумат ҳузуридаги матбуот ва ахборот маҳкамасининг раҳбари К. Беллинг, ташқи ишлар министрлигининг статс-секретари Г. Ван Велль, ташқи ишлар министрлигининг статс-секретари П. Гермес, экономика федерал министрлигининг статс-секретари Д. Роведдер, ГФРнинг СССРдаги элчиси Г.- Г. Вик, федерал канцлер маҳкамасидаги министериал-директор Ю. Руфус ва ташқи ишлар министрлигидаги министериаль-директорлар К. Блех ва Г. В. Лаутеншлагер.

Учрашув ва суҳбатлар давомида ҳар икки давлат ўртасидаги муносабатларнинг аҳволи, бу муносабатларнинг истиқболлари ва уларни янада ривожлантириш йўналишлари тўғрисида ҳар томонлама фикрлашиб олинди. Томонлар кўпгина актуал халқаро масалаларни муҳокама қилдилар ва бунда Европада ҳамда бутун жаҳонда тинчлик ва хавфсизликни мустаҳкамлашга интилишга амал қилдилар. Суҳбатлар конструктив вазиятда, ҳамжиҳатлик ва ошкора иш кўриш руҳида ўтди.

Музокаралар якунида Л. И. Брежнев билан Г. Шмидт кескинликни юмшатиш, яхши қўшничилик ва тинчликни мустаҳкамлаш ишини олға силжитиш тўғрисидаги Қўшма Декларацияни имзолашдилар.

КПСС Марказий Комитетининг Бош секретари, СССР Олий Совети Президиумининг Раиси Л. И. Брежнев ва федерал канцлер Г. Шмидт, шунингдек КПСС Марказий Комитети Сиёсий бюросининг аъзоси, СССР

(Давоми иккинчи бетда).

Л. И. БРЕЖНЕВ БИЛАН Г. ШМИДТ МУЗОКАРАЛАРИ

БОНН, 6 май. (ТАСС). 6 май куни тушдан кейин федерал канцлер резеденциясида КПСС Марказий Комитетининг Бош секретари, СССР Олий Совети Президиумининг Раиси Л. И. Брежнев билан ГФР канцлери Г. Шмидтнинг расмий музокаралари тугалланди.

Музокараларнинг қатнашчилари ташқи сиёсий ва иқтисодий масалалар юзасидан А. А. Громико ва Г.—Д. Геншер, Н. А. Тихонов ва О. Ламбсдорфнинг қисқача ахборотларини тингладилар.

Л. И. Брежнев музокараларга якун ясаб, қуйидагиларни таъкидлаб ўтди: бу музокаралар ҳар икки томон СССР билан ГФР ўртасидаги муносабатларда ўтмиш қолдиқларини узил-кесил бартараф қилиш, бу муносабатларни халқаро майдонда барқарорлик ва яхши қўшничилик муносабатлари омилига айлантиришга интилаётганлигини кўрсатди. Музокараларнинг мазмуни ҳам, муҳити ҳам олға қараб ҳаракат қилиб бориш учун, ҳали сақланиб қолган ва бундан буён бартараф қилиниши лозим бўлган қийинчиликларни тугатиш учун замин вужудга келтирилди, деб хулоса чиқариш имконини беради.

Музокаралар давомида ишлаб чиқилган муҳим ҳужжатлар, деб уқтириб ўтди Л. И. Брежнев, ҳар икки томон бир неча йил мобайнида биргаликда бажарадиган ишлар мазмунининг кўп қисмини қамраб олди.

Федерал канцлер Г. Шмидт музокараларнинг якунларига ва Л. И. Брежневнинг Германия Федератив Республикасига қилган визити ҳар икки мамлакат ўртасидаги муносабатларни янада самарали ривожлантириш учун, Европада халқаро иқлимни умуман соғломлаштириш учун, кескинликни юмшатиш ва тинчликни мустаҳкамлаш ишини учун аҳамиятига юксак баҳо берди.

Қўшма декларацияни ҳамда СССР билан ГФРнинг экономика ва саноат соҳасидаги узоқ муддатли ҳамкорлигини ривожлантириш ва чуқурлаштириш тўғрисидаги Битимни бугун имзолаш ҳақида келишиб олинди.

Музокараларда Совет томонидан — КПСС Марказий Комитети Сиёсий бюросининг аъзоси, СССР ташқи ишлар министри А. А. Громико, СССР Министрлар Совети Раисининг биринчи ўринбосари Н. А. Тихонов, ташқи савдо министри Н. С. Патоличев, граждан авиацияси министри Б. П. Бугаев, КПСС Марказий Комитети Бош секретарининг ёрдамчилари А. М. Александров, А. Н. Блатов, КПСС Марказий Комитетининг бўлим мудири Л. М. Замятин, СССРнинг ГФРдаги элчиси В. М. Фалин ва бошқа расмий кишилар; ГФР томонидан — канцлер ўринбосари, ташқи ишлар министри Г.-Д. Геншер, молия министри Г. Матхефер, ҳўжалик министри О. Ламбсдорф; ГФРнинг СССРдаги элчиси Г.- Г. Вик, немис касаба союзлари бирлашмасининг (ГФР) раиси Г.—О. Феттер, Германия саноат-савдо бирлашмасининг президенти О. Вольф Фон Амеронген, ГФР ҳукумат маҳкамаларининг раҳбарлари М. Шюлер ва К. Беллинг, Клозе, шаҳар депутатлар мажлисининг раиси Г. Дау, шунингдек СССРнинг Гамбургдаги бош консули В. А. Коптельцев кутиб олдилар.

Аэродромда азиз меҳмон шарафига фахрий қоровул саф тортди.

Л. И. Брежневга ҳамроҳ бўлган расмий совет кишилари ҳам у билан бирга Гамбургга келишди.

Л. И. БРЕЖНЕВ Г. ШМИДТ БИЛАН СУҲБАТЛАШДИ

ГАМБУРГ, 7 май. (ТАСС). КПСС Марказий Комитетининг Бош секретари, СССР Олий Совети Президиумининг Раиси Л. И. Брежнев бугун ГФР федерал канцлери Г. Шмидтнинг Гамбургдаги уйида бўлиб, у билан самимий дўстона суҳбатлашди. Суҳбатда А. А. Громико, Г.-Д. Геншер, В. Брандт иштирок этдилар.

Г. Шмидт КПСС Марказий Комитети Бош секретари, СССР Олий Совети Президиуми Раиси Л. И. Брежнев шарафига нонушта зиёфат берди. Зиёфатда Совет томонидан — КПСС Марказий Комитети Сиёсий бюросининг аъзоси, СССР ташқи ишлар министри А. А. Громико, СССР Министрлар Совети Раисининг биринчи ўринбосари Н. А. Тихонов СССР министрлари Н. С. Патоличев, Б. П. Бугаев. СССРнинг ГФРдаги элчиси В. М. Фалин; ГФР томонидан— федерал канцлер ўринбосари, ташқи ишлар министри Г.-Д. Геншер. Германия социал-демократик партиясининг раиси В. Брандт. мудофаа министри Г. Апель, ҳўжалик министри О. Ламбсдорф, ГФРнинг СССРдаги элчиси Г.-Г. Вик ҳозир бўлдилар.

Л. И. Брежнев Бонндан жўнаб кетди

БОНН, 6 май, (ТАСС махсус мухбири). КПСС Марказий Комитетининг Бош секретари, СССР Олий Совети Президиумининг Раиси Л. И. Брежнев бугун Бонндан Гамбургга жўнаб кетди.

Л. И. Брежневнинг бу сафарида ГФР федерал канцлери Г. Шмидт, канцлер ўринбосари, ташқи ишлар министри Г.—Д. Геншер, ГФРнинг СССРдаги элчиси Г.—Г. Вик унга ҳамроҳ бўлдилар.

Л. И. Брежневнинг ГФРга қилган сафарида унга ҳамроҳ бўлган совет расмий кишилари ҳам у билан бирга жўнаб кетдилар.

СССР ва ГФРнинг давлат байроқлари билан безатилган Кельн-Бонн аэродромида Л. И. Брежневни ГФР президенти В. Шеель, статс-секретарь, Федерал президент маҳкамасининг раҳбари П. Франк, статс-секретарь, Федерал канцлер маҳкамасининг раҳбари М. Шюлер, Бонн шаҳрининг бургомистри Г. Штегер ва бошқа расмий кишилар кузатиб қолдилар.

Л. И. Брежневни ва унга ҳамроҳ бўлган кишиларни СССР элчихонаси ва ГФРдаги бошқа совет муассасаларининг ходимлари ҳам кузатиб қолдилар. Болалар Леонид Ильичга гулдасталар тақдим этишди.

Л. И. Брежнев билан В. Шеель саф тортиб турган фахрий қоровул олдидан ўтишди.

СССР ва ГФРнинг давлат гимнлари ижро этилди.

Леонид Ильич Брежнев Вальтер Шеель билан ва кузатиб қолувчи бошқа кишилар билан самимий хайрлашди.

Л. И. БРЕЖНЕВ Э. ТЕЛЬМАННИНГ УЙ-МУЗЕЙИНИ ЗИЁРАТ ҚИЛДИ

ГАМБУРГ, 7 май. (ТАСС махсус мухбири). КПСС Марказий Комитетининг Бош секретари, СССР Олий Совети Президиумининг Раиси Л. И. Брежнев бугун Гамбургнинг ишчилар яшайдиган райони — Эппендорфга борди. Немис ва халқаро ишчилар ҳаракатининг таниқли арбоби Эрнст Тельман яшаган уйни зиёрат қилиш мени гоят қаяжонлантирди.

Совет коммунистлари Тельман ишини давом эттирувчилар билан қизғин бордам эканликларини изҳор этмоқдалар».

Германия Компартиясининг Раиси Г. Мис. Германия Компартиясининг бошқа раҳбар арбоблари, ветеран коммунистлар, Э. Тельманнинг сафдошлари. Гамбург меҳнаткашлари Леонид Ильични самимий кутиб олдилар.

* * *

ГАМБУРГ, 7 май. (ТАСС). Гамбург яқинидаги Нойенгангда ўрнатилган фашизм қурбонлари ёдгорлиги пойига бугун КПСС Марказий Комитетининг Бош секретари, СССР Олий Совети Президиумининг Раиси Л. И. Брежнев номидан гулчамбар қўйилди.

Л. И. БРЕЖНЕВ ГАМБУРГ РАТУШАСИДА БЎЛДИ

ГАМБУРГ, 7 май. (ТАСС махсус мухбири). КПСС Марказий Комитетининг Бош секретари, СССР Олий Совети Президиумининг Раиси Л. И. Брежнев 6 май куни Гамбург ратушасида бўлди.

Л. И. Брежнев билан бирга ГФР федерал канцлери Г. Шмидт, канцлер ўринбосари, ташқи ишлар министри Г.-Д. Геншер. Л. И. Брежневнинг сафарида унга ҳамроҳ бўлган расмий совет кишилари ҳам ратушага келишди.

Л. И. Брежнев Гамбургнинг «Олтин китоби»га имзо чекди.

Л. И. БРЕЖНЕВ ГАМБУРГГА КЕЛДИ

ГАМБУРГ, 7 май. (ТАСС махсус мухбири). КПСС Марказий Комитетининг Бош секретари, СССР Олий Совети Президиумининг Раиси Л. И. Брежнев 6 май куни бу ерга келди.

Л. И. Брежнев билан бирга ГФР федерал канцлери Г. Шмидт ва канцлер ўринбосари, ташқи ишлар министри Г.—Д. Геншер ҳам келишди.

Совет Иттифоқи ва ГФРнинг давлат байроқлари билан безатилган аэродромда Л. И. Брежневни сенат президенти ва Гамбургнинг биринчи бургомистри Г.—У. Клозе, шаҳар депутатлар мажлисининг раиси Г. Дау, шунингдек СССРнинг Гамбургдаги бош консули В. А. Коптельцев кутиб олдилар.

Аэродромда азиз меҳмон шарафига фахрий қоровул саф тортди.

Л. И. Брежневга ҳамроҳ бўлган расмий совет кишилари ҳам у билан бирга Гамбургга келишди.

Л. И. БРЕЖНЕВ МОСКВАГА ЖЎНАБ КЕТДИ

ГАМБУРГ, 7 май. (ТАСС махсус мухбирлари.). КПСС Марказий Комитетининг Бош секретари, СССР Олий Совети Президиумининг Раиси Л. И. Брежнев бугун Гамбургдан Москвага жўнаб кетди.

Л. И. Брежнев ГФР Президенти В. Шеель билан ГФР федерал канцлери Г. Шмидтнинг таклифига биноан расмий визит билан Германия Федератив Республикасида бўлди.

ГФРга қилинган сафарда Л. И. Брежневга ҳамроҳ бўлган КПСС Марказий Комитети Сиёсий бюросининг аъзоси, СССР ташқи ишлар министри А. А. Громико, СССР Министрлар Совети Раисининг биринчи ўринбосари Н. А. Тихонов, СССР ташқи савдо министри Н. С. Патоличев, СССР граждан авиацияси министри Б. П. Бугаев, КПСС Марказий Комитети Бош секретарининг ёрдамчилари А. М. Александров ва А. И. Блатов, КПСС Марказий Комитети бўлим мудири Л. М. Замятин, СССР ташқи ишлар министрининг ўринбосари А. Г. Ковалев у билан бирга жўнаб кетдилар.

ГФР ва СССРнинг давлат байроқлари билан безатилган аэродромда Л. И. Брежневни ГФР федерал канцлери Г. Шмидт, федерал канцлер ўринбосари, ташқи ишлар министри Г.-Д. Геншер, сенат президенти ва Гамбургнинг биринчи бургомистри Г.-У. Клозе, шаҳар депутатлар мажлисининг раиси Г. Дау, ГФР нинг СССРдаги элчиси Г.-Г. Вик, бошқа расмий кишилар кузатиб қолдилар.

Кузатиб қолувчилар орасида СССРнинг ГФРдаги элчиси В. М. Фалин, СССРнинг Гамбургдаги бош консули В. А. Коптельцев бор эдилар.

СССР ва ГФРнинг давлат гимнлари ижро этилди.

Л. И. Брежнев билан Г. Шмидт фахрий қоровул сафи олдидан ўтди.

Гамбургдаги совет муассасалари ходимларининг болалари Л. И. Брежневга гуллар тутқазишди.

Самолёт Москва сари йўл олди.

Мажбуриятларни шараф билан адо этайлик

ТЕРМИЗ, 7 май. (ЎзТАГ). Бугун бу ерда Сурхондарё области партия, совет, касаба союз ва комсомол активининг ишлаб чиқариш илғорлари иштирокида кенгаши бўлиб ўтди. Кенгашда область партия комитетининг биринчи секретари А. К. Каримов область меҳнаткашларининг 1978 йилда зиммаларига олган социалистик мажбуриятларини қандай бажараётганликлари ҳамда ўртоқ Л. И. Брежнев Сибирь ва Узоқ Шарқ районлари бўйлаб қилган сафари чоғида, ВЛКСМнинг XVIII съездида сўзлаган нутқида берган маслаҳатлари ва кўрсатмалари асосида ташкилий ва сиёсий ишларни кучайтириш борасидаги вазифалари тўғрисидаги доклади муҳокама қилинди.

Докладчи ва сўзга чиққан ўртоқлар — Термиз шаҳар партия комитетининг биринчи секретари Х. Т. Тожиддинов, Қумқўрғон район партия комитетининг биринчи секретари Ч. Алматов, Сариосиё районидаги «Коммунизм» колхозининг раиси Б. Омонов. «Сурхон» совхозининг директори Д. Алибоев, Термиз районидаги «Октябрь 40 йиллиги» колхозининг бригада бошлиғи Д. Хўжамқулова, «Сайроб» колхозининг бош чўпони Э. Шамаев, 11-қурилиш трести хўжалик ҳисобидаги бригадаси бошлиғи В. Г. Морарь, «Искра» совхозининг директори Х. Б. Муродов областнинг меҳнат коллективларида бешинчи йилликнинг учинчи йилида зиммага олинган социалистик мажбуриятлар муваффақиятли бажарилиши учун мусобақа кенгайиб бораётганлиги тўғрисида гапирдилар. Пахта ва бошқа қишлоқ хўжалик маҳсулотларини етиштиришни кўпайтиришга алоҳида эътибор берилмоқда. Пахтазорларнинг ҳар бир гектарига 10 тоннадан маҳаллий ўғит солиш мўлжаллаб қўйилди. Деҳқонлар шу йил Ватанга 500 минг тонна пахта, шу жумладан, 200 минг тонна ипак пахта беришни шиор қилиб олганлар. Саноат маҳсулотлари ишлаб чиқаришни кўпайтириш, улкан капитал қурилиш программасини амалга ошириш борасида кўп ишлар қилинмоқда.

Кенгаш қатнашчилари меҳнат коллективларининг КПСС Марказий Комитети 1977 йил декабрь Пленуми, КПСС Марказий Комитети, СССР Министрлар Совети, ВЦСПС ва ВЛКСМ Марказий Комитетининг Мактубида қўйилган талаблар, ўртоқ Л. И. Брежневнинг нутқларида баён қилинган фикрлар ва хулосалар асосидаги фаолиятини ҳар томонлама анализ қилиб чиқиш билан бирга мавжуд камчиликларни ҳам кўрсатиб ўтдилар, зиммага олинган социалистик мажбуриятлар сўзсиз бажарилмоғи учун мавжуд ҳамма резерв ва имкониятлардан янада тўлароқ фойдаланиш зарурлигини таъкидладилар. Қолоқ участкаларни илғор участкалар даражасига чиқариш, социалистик мусобақа пешқадамларининг тажрибаларини кенг ёйиш муҳим резервлардан биридир. Сўзга чиққан кишилар қишлоқ хўжалигидаги ишларнинг аҳволи тўғрисида гапириб, гўзани қийғос ундириб олиш, табиат инжиқликлари натижасида юзага келган қийинчиликларни тезроқ енгиб ўтиш ҳозирги вақтда кечиктириб бўлмайдиган вазифа эканлигини кўрсатдилар. Чорвачилик маҳсулотлари кескин кўпайтирилишини таъминлаш қишлоқ хўжалиги меҳнаткашларининг шон-шараф ишидир. Беш йилликнинг колган 3 йили мобайнида гўшт, сут, тухум етиштириш ва тайёрлашни икки баравар кўпайтириш зарур.

Кенгаш қатнашчилари халқ фаровонлиги тўғрисида, планетада мустаҳкам тинчлик ҳақида ҳормай-толмай ғамхўрлик қилаётганликлари учун партия ленинчи Марказий Комитетига, шахсан Леонид Ильич Брежневга самимий миннатдорчилик изҳор қилдилар.

Кенгашда КПСС Марказий Комитети Сиёсий бюроси аъзолигига кандидат, Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитетининг биринчи секретари Ш. Р. Рашидов катта нутқ сўзлади.

Л. И. БРЕЖНЕВнинг ГФР телевидениеси орқали сўзлаган нутқи

Салом, азиз телетомошабинлар!

Мен бугун сизлар билан суҳбатлашиш тўғрисида қилинган таклифни зўр мамнуният билан қабул қилдим. Мамлакатингизга қилган иккинчи визитим тугаяпти. Биз унинг натижаларидан жуда мамнунмиз. Бизнинг президент Вальтер Шеель, канцлер Гельмут Шмидт, вице-канцлер Геншер билан олиб борган музокараларимиз, Германия социал-демократик партиясининг раиси Вилли Брандт билан, ГФРнинг бошқа давлат ва сиёсий арбоблари билан ўтказган учрашувларимиз гоят зарур ва фойдали бўлди.

Биз бу сафар Боннга келаётиб 1970 йилги Москва Шартномасига асосланган ҳолда ГФРнинг раҳбарлари билан биргаликда икки томонлама ишларда мамлакатларимиз ўртасида бундан буёнги ҳамкорликнинг асосий йўналишларини келгуси неча йилларга мўлжаллаб белгилаб олишни, шунингдек тинчлик ва халқаро кескинликни юмшатишни мустаҳкамлашда ўзаро ҳамкорлик йўлларини белгилаб олишни ўз вазифамиз деб билдик. Менимча, визит чоғида ана шу соҳаларда анча-мунча мақсадларга эришилди. Учрашув натижалари Германия Федератив Республикаси билан Совет Иттифоқи ўртасидаги муносабатларга барқарорлик ва катта кўлам бахш этади, деб умид қилишга асослар бор.

Ҳозир жаҳон майдонидаги воқеаларнинг ривожланишида гоят масъулиятли марра да турибмиз. Совет Иттифоқи ва ГФР кескинликни юмшатиш жараёни ўз тараққиётида дуч келадиган қийинчиликларни бартараф этиш учун кўп ишлар қилишга қодир. Етмишинчи йилларнинг биринчи ярмида халқаро муносабатларда бошланган ижобий жараёнлар мустаҳкамланиб, чуқурлаштирилади ёки йўқми, бу нарса бизнинг мамлакатларимизга кўп жиҳатдан боғлиқ.

Бугунги кунда мана шу жараёнлар бирмунча секинлашиб қолганлиги сир эмас. Бунинг ҳамма сабабларини айтиб ўтирмайман, улар оз эмас. Лекин энг муҳими шуки, ҳозирча мудҳиш қуролланишт пойгасини жиловлашга эришилгани йўқ, бу жуда ташвишли ҳолдир. Бундай пойганинг кети кўринмай давом этавериши мумкин эмас, бундай пойга сиёсий соҳада кескинликнинг юмшатилишига муқаррар путур етказмоқда. Бундай пойга тўхтатилмас экан, у инсоннинг келажаги масаласининг ўзини ҳам шубҳа остига қўйиши мумкин.

Шунинг учун бизнинг мамлакатимиз Совет Иттифоқи халқаро ишларда инсониятнинг уруш сари силжиб боришига йўл қўймаслиқини, ялпи, одилона, узоқ муддатли тинчликни ҳимоя қилиш ва мустаҳкамлашни ўзининг энг муҳим мақсади деб билади. Бизнинг қатъий йўлимиз шундай. У ҳеч қандай вақтинчалик ҳодисаларга боғлиқ эмас. Бу йўл Совет Иттифоқининг Конституциясида қонун билан мустаҳкамланган. Биз бу йўлни ҳамма воситалар билан мутгасил амалга ошириб боряпмиз. Совет дипломатиясининг ишлари мана шу йўлга бўйсундирилган. Мамлакатимизнинг бутун жамоатчилиги шу йўлни қўллаб-қувватламоқда. Биз ўз планларимизнинг ҳаммасини тинч истиқболни кўзлаб ишлаб чиқяпмиз.

Нил сайин тобора кўпроқ кишилар, шу жумладан ГФР гражданлари Совет Иттифоқига келиб кетмоқдалар. Бизнинг ҳаётимиз билан илгари нотўғри фикрда бўлиб танишмаган ҳар бир киши: мамлакатимиздаги бутун вазият халқнинг тинчликка гоят садоқати билан, ҳамма халқлар билан дўстликда яшаш иштиёқи билан суғорилганлигини албатта тасдиқлайди.

Биз, совет кишиларига тинчлик керак, деганимизда қалбимизда бор гапларни юзага чиқарамиз. Мамлакат бўйлаб анча-мунча сафар қилиб туришимга тўғри келади. Масалан, мен яқинда яна Сибирь ва Узоқ Шарқда бўлдим: минг-минглаб километр йўл босиб кўп кишилар билан учрашдим. Шу учрашувлар чоғида гап нима тўғрисида бормасин, албатта халқаро проблемалар ҳам ўртага ташланарди. Пировард охирида гап тинчликни сақлаб, мустаҳкамлаб бўлармикин, деган масалаларнинг масаласига бориб тақаларди.

(Давоми тўртинчи бетда).

ҚЎШМА ДЕКЛАРАЦИЯ

КПСС Марказий Комитети Бош секретари, СССР Олий Совети Президиумининг Раиси Л. И. Брежнев ва Германия Федератив Республикасининг Федерал канцлери Г. Шмидт шуни қайд қиладиларки, 1970 йил 12 августда шартнома тузилганлиги ўзаро муносабатларни ривожлантирмоқ учун ва Европадаги вазиятни яхшиламоқ учун негиз яратиб берган воқеа бўлди; бу шартнома иккала давлат ўртасидаги муносабатларнинг йўналишини бундан буён ҳам белгилаб бераверади.

Баракали суҳбатлар натижасида Л. И. Брежнев билан Г. Шмидт тинчликни таъминлаш, кескинликни юмшатишга кўмаклашиш ҳамда қуролсизланиш ва қурол-яроғларни чеклаш соҳасида тараққиётга эришиш учун янада зўр бериб куч ва гайрат сарфламоқ зарур деган бир фикрга келдилар.

Шунга мувофиқ улар қуйидагиларни айтадилар:

I.

Кейинги ўн йил ичидаги ривожланишдан ҳар иккала томон кескинликни юмшатиш зарур, мумкин ва фойдали деган хулосага келдилар. Улар баъзи туб позициялардаги фикр ўзгалигига ҳамда сиёсий, иқтисодий ва социал системалардаги фарқларга қарамай, давлатларнинг тинч ҳамкорлик қилишдан бошқа бирор оқилона илож борлигини кўрмаётирлар. Улар кескинликнинг юмшатилишини кенгайтириш, ва чуқурлаштириш, бу ишга ҳукумкорлик ва баркарорлик туйсини бериш ниятида эканликларини билдирадилар. Бу мақсадга эришмоқ учун улар жаҳоннинг барча районларида тинчлик ва хавфсизликнинг бўлинмаслигини ҳурматлаб ўзларининг сиёсий ва иқтисодий имкониятларидан мустақил равишда, биргаликда ва кўп томонлама асосда фойдалана берадилар.

II.

Ҳар иккала томон Европада хавфсизлик ва ҳамкорликка бағишланган кенгаш бошлаб берган ривожланишнинг муттасил давом эта беришига кўмаклашишга махкам бел боғлаганлигини, Бунинг учун улар Хельсинкидаги кенгашнинг имзоланган Якунловчи актида қайд этилган барча принциплар ва қоидалар давлатлар ҳамкорлик қилишининг манфаатларини ва одамларнинг бахт-саодатини кўзлаб кенгаш қатнашчилари бўлган барча давлатлар ўртасидаги ва бутун Европадаги муносабатларда тўла равишда амал қиладиган бўлиб қолишига ҳаракат қила беражакларини.

Узоқ келажакка мўлжалланган бундай сиёсат конкрет ютуқларни қўлга киритиш йўлида изчиллик билан куч ва гайрат сарфлашни талаб қилади. Шу маънода ҳар иккала томон кенгаш қатнашчилари бўлган давлатларнинг ҳозирланаётган қўшма планлари ва учрашувлари муваффақият қозонишига ёрдамлашмоқ учун бундан буёнги давр дан ижобий фойдаланишни назарда тутади. Ҳар иккала ҳукумат ана шу масалалар юзасидан бир-бирлари билан алоқа боғлаб турадилар.

III.

Ҳамма турдаги қурол-яроғларнинг жамлаб қўйилган ва доимо кўпайиб бораётган запаслари ҳаммани вайрон қилиш қуввати мавжуд бўлиб турган шароитда қуролланиш пойгасини тўхтатмоқ учун конкрет чоралар кўриш зарур. Ҳар иккала томоннинг қатъий фикри шуки, бу — биринчи даражада зарур ва муҳим проблемадир. Бу проблемани ёппасига ва тўла равишда қуролсизланиш мақсадида самарали халқаро контрол остида ҳал этиш жаҳондаги барча давлатларнинг ва халқларнинг сиёсий ва иқтисодий манфаатларига ва, аввало, уларнинг хавфсизлик манфаатларига мос бўлиб тушади.

Кескинликни юмшатиш жараёни ҳарбий соҳадаги ривожланишдан шикаст кўрмасдан, балки, аксинча, қуролсизланиш ва қурол-яроғларни чеклаш билан тўлдирилсин, деб қуролсизланиш ва қурол-яроғларни чеклаш соҳасида бундан буёнги қўйиладиган қадамларни келишиб олиш тезлаштирилмоғи лозим.

Ҳар иккала томон шуни муҳим деб ҳисоблайдиларки, ҳеч ким ҳарбий устунлик олишга ҳаракат қилмасин. Ҳар иккала томон мудофаани таъминлаш учун тахминан тенглик ва паритет бўлиши кифоя қилади, деган фикрга асосланадилар. Уларнинг фикрича, ядро ва оддий қурол-яроғлар соҳасида қуролсизланишга ва қурол-яроғларни чеклашга доир бўлган ва шу принципга мос бўлиб тушадиган тегишли чоралар катта аҳамиятга эга бўлур эди.

Марказий Европадаги қуролли кучларга келганда, ҳар иккала томон Венадаги музокараларнинг мақсадини — музокарадошларга хавфсизлигига зарар етказмаслик принципи асосида ҳозирги вақтдагига нисбатан ҳарбий даражани бирмунча камайтирган ҳолда бирмунча барқарор ҳолатга эришиш мақсадини таъкидлайди. Ҳар иккала томон яна ишончли равишда айтадиларки, шунга мувофиқ улар бевосита музокарадошларга тааллуқли қурол-яроғларни Венада белгилаб бериладиган шартлар билан қисқартиришда ўзларининг қуроллари билан қатнашишга тайёрдирлар.

Ҳар иккала томоннинг фикрича, мавжуд ишончсизлик ҳамда ҳарбий тўқнашув хавфи шундай музокаралар олиб бориш йўли билан ва шу музокаралар натижасида, шунингдек, Европада ишончни мустаҳкамлаш чораларини янада ривожлантириш орқали бартараф қилинган бўлур эди ва ҳамманинг хавфсизлиги мустаҳкамланган бўлур эди.

IV.

Ҳар иккала томон ҳамма соҳаларда ўз муносабатларининг сифатини ва даражасини бундан буён ҳам ошираверишга махкам бел боғлагандир ҳамда яхши қўшничиликдан ва ўсиб бораётган ҳамкорликдан келажак авлодлар ҳам мутлақо баҳраманд бўлишига интилади.

V.

Ҳар иккала томон актив ва амалий фикрлашиб туриш яхши ҳамжиҳатликни ва катта ишончни йўлга қўйишга хизмат қилувчи муҳим восита деб ҳисоблайди. Шу сабабли улар шундай фикрлашувни, шу жумладан, келишиш асосларини кенгайтириш мақсадида қулай келадиган доираларнинг ҳамасида мунтазам ўтказилиб турадиган маслаҳатлашувлар тарзида изчиллик билан давом эттириш ниятидадир.

VI.

Яхшироқ ҳамжиҳатлик, ўзаро бир-бирини ҳурмат қилиш ва ўзаро бир-бирига гоят хайрихоҳлик гояси ҳар иккала давлат кишилари онгида чуқур томир ёйиши жуда муҳимдир. Бу нарса ёшларга, айниқса, тааллуқлидир, ўтмиш аввлодлар бошига тушган кулфатлар ҳеч қачон уларнинг бошига тушмаслиги лозим. Ҳар иккала томон бунинг учун доимий равишда ва янгидан-янги, шу жумладан биргаликда куч ва гайрат сарфламоқ зарурлигини яхши билади.

VII.

Ҳар иккала томон иқтисодий, саноат ва техникавий ҳамкорликка кўмаклашиш вазифасини ўз олдиларига қўймоқда. Улар бундай ҳамкорликни икки томонлама муносабатларни мустаҳкамлашнинг муҳим ва зарур таркибий қисми деб биладилар. Бу ҳамкорликни доимий кенгайтиришга ҳар иккала томоннинг манфаатдорлигини ошира бериш ниятини кўзлаб бундай ҳамкорлик узоқ келажакка тобора кўпроқ даражада йўналтира берилиши лозим. Шундай қилиб, ўзаро муносабатларнинг бақувват моддий пойдевори вужудга келмоқдаки, у ҳозирги аср доирасидан ҳам ташқарига чиқади ва ҳар иккала мамлакатдаги одамларга манфаат етказади.

Ҳар иккала томон Совет Социалистик Республикалари Иттифоқи билан Германия Федератив Республикасининг экономика ва саноат соҳасида узоқ муддатли ҳамкорликни ривожлантириш ва чуқурлаштириш тўғрисида 1978 йил 6 майда имзоланган битим бундай ривожланишга қўшилган улкан ҳисса эканлигига аминдир.

VIII.

Тарих сабоқлари ва тинчлик учун масъулият ҳар иккала томоннинг кескинликни юмшатиш ва ўзаро муносабатларни ижобий руҳда ривожлантиришига халқларнинг мустаҳкам тинчликни таъминлашга бўлган умидлари рўёбга чиқишини яқинлаштириши мумкин, деган эътиқодларини мустаҳкамлайди.

IX.

1971 йил 3 сентябрдаги тўрт томонлама битимга риоя қилиш ва уни тўла равишда амалга ошириш Европа марказида кескинликни мустаҳкам равишда юмшатишнинг ҳамда тегишли давлатлар ўртасидаги, жумладан, Совет Иттифоқи билан Германия Федератив Республикаси ўртасидаги муносабатларни яхшилашнинг муҳим шарти бўлиб қолмоқда, деган нуқтаи назарни ҳар иккала томон таъкидлайди.

X.

Ҳар иккала томон шуни уқтириб ўтадики, улар ўзларининг икки томонлама муносабатларини кескинликни юмшатиш ва ҳамкорлик эҳтиёжлари руҳида бундан буён ҳам ривожлантира беради. Улар бу нарса ҳаммага наф етказишига аминдирлар.

БОНН, 1978 йил 6 май.

Л. БРЕЖНЕВ. Г. ШМИДТ.

ҚЎШМА ҲУЖЖАТЛАР ИМЗОЛАНДИ

БОНН, 6 май. (ТАСС). Бугун тантанали вазиятда Қўшма декларацияни имзолаш маросими бўлди. Декларацияни КПСС Марказий Комитети Бош секретари, СССР Олий Совети Президиумининг Раиси Л. И. Брежнев ва Германия Федератив Республикасининг Федерал канцлери Г. Шмидт имзоладилар.

СССР билан Германия Федератив Республикаси ўртасида экономика ва саноат соҳасида узоқ муддатли ҳамкорликни ривожлантириш ва чуқурлаштириш тўғрисида 1978 йил 6 майда имзоланган битим бундай ривожланишга қўшилган улкан ҳисса эканлигига аминдир.

Л. И. БРЕЖНЕВ Г.-Д. ГЕНШЕР БИЛАН СУҲБАТЛАШДИ

БОНН, 6 май. (ТАСС). КПСС Марказий Комитетининг Бош секретари, СССР Олий Совети Президиумининг Раиси Л. И. Брежнев кеча эркин демократик партиянинг раиси, ГФР федерал канцлерининг ўринбосари, ташқи ишлар министри Г.-Д. Геншер билан суҳбатлашди.

Суҳбат давомида ҳар икки мамлакат ўртасидаги икки томонлама муносабатларни ривожлантиришга тааллуқли масалалар ва муҳим халқаро проблемалар муҳокама қилинди. Шу билан бирга ҳар икки томон тинчликни ва халқаро кескинликнинг юмшатилишини мустаҳкамлаш манфаатлари йўлида, халқларнинг осойишталиги ва фаровонлиги манфаатлари йўлида ҳар икки мамлакатнинг биргаликда қиладиган ҳаракати мақбул ва фойдали эканлигига ишонч билдирилди.

(Боши 1-бетда)

КПСС МАРКАЗИЙ КОМИТЕТИ БОШ СЕКРЕТАРИ, СССР ОЛИЙ СОВЕТИ ПРЕЗИДИУМИ РАИСИ Л. И. БРЕЖНЕВНИНГ ГЕРМАНИЯ ФЕДЕРАТИВ РЕСПУБЛИКАСИДА БЎЛИШИ ТЎҒРИСИДА

А Х Б О Р О Т

Ташқи ишлар министри А. А. Громико ва федерал канцлер ўринбосари, ташқи ишлар федерал министри Г.-Д. Геншер ҳар икки томон экономика соҳасидаги самарали ўзаро алоқанинг узоқ вақт мобайнида давом эттирилишини таъминлашга интилаётганлигига асосланиб, экономика ва саноат соҳасидаги узоқ муддатли ҳамкорликни ривожлантириш ва чуқурлаштириш тўғрисидаги Битимни имзолади.

Томонлар 1970 йил 12 август Шартномасининг тузилиши ҳар икки давлат ўртасидаги муносабатлар учун асос бўлаётган аҳамиятга молик воқеа бўлди. деб таъкидладилар. Бу Шартнома ана шу муносабатларни нормаллаштириш ва бу давлатлар ўртасидаги ҳар томонлама ҳамкорликни ривожлантириш учун қулай замин яратганини ва бунинг ҳаммаси ўзаро ишончни мустаҳкамлашга ёрдам берганини мунтазам суратда ўтказиб туришни ёқлаб чиқдилар.

Томонлар буларнинг ҳаммаси ўтмишнинг қолдиқларини бартараф қилишга, ҳар икки мамлакат ўртасидаги муносабатларда ҳамжиҳатлик ва ўзаро ишончни мустаҳкамлашга ёрдам беради, деб ҳисоблайдилар.

Ҳар икки давлат ўртасидаги иқтисодий муносабатларга катта эътибор берилди. Бу муносабатлар умуман мақбул тарзда ривожланиб бораётганлиги маммнуният билан қайд этилди.

Томонлар ўз имкониятларидаражасида экономика, саноат ва техника соҳаларидаги ҳамкорликка кенг асосда ёрдам беражакларини ва шу билан бирга майда ва ўрта корхоналарнинг манфаатларини бундан буён ҳам эътиборга олажакларини таъкидладилар.

Томонлар саноат соҳасида бошқа мамлакатлардаги корхоналар билан биргаликда ҳамкорлик қилишни кенгайтириш кераклигини айтдилар.

Совет Социалистик Республикалари Иттифоқи ва Германия Федератив Республикасининг иқтисодий ва илмий-техникавий ҳамкорлик масалаларини билан шуғулланувчи комиссиянинг фаолиятига ва бу комиссия тузган эксперт группаларининг фаолиятига ижобий баҳо берилди. Бу органлар турли соҳаларда иқтисодий алоқаларни кенгайтиришга фойдали ҳисса қўшмоқдалар. Томонлар комиссиянинг ролини янада ошириш ва унинг фаолиятини такомиллаштириш, унинг ишида янги истиқболли йўналишларни қидириб топиш кераклигини айтдилар.

Томонлар ўз имкониятларига кўра техника соҳасидаги ҳамкорликни ривожлантиришга ёрдам бериш ва ўзларидаги тегишли ташкилотлар ҳамда фирмаларнинг бу соҳада кўрадиган тадбирларини қўллаб-қувватлаш ниятидадир. Техникани тараққий эттириш учун жуда катта аҳамиятга молик бўлган энг муҳим ва истиқболли йўналишлар ҳамда мавзуларга алоҳида эътибор берилади.

Ҳар икки томон маданият, фан, маориф ва спорт соҳасида ҳамкорликни чуқурлаштиришга интилаётганлиги таъкидлаб ўтилди. Бундай ҳамкорлик халқларнинг биргаликда кечираётган тинч ҳаётида муҳим роль ўйнайди.

Томонлар икки томонлама муносабатларнинг шартномаларда белгиланган асосларини кенгайтириш, шу жумладан конкрет соҳалардаги мавжуд битимлар, шунингдек янги битим лойиҳалари билан боғлиқ бўлган масалалар юзасидан фикрлашиб олдилар. Улар бу масалаларни муҳокама қилишни давом эттириш ҳақида келишиб олдилар.

Томонлар халқ хўжалиги ва маданият соҳасида эришилган муваффақиятлар виставкаларини ўзаро ташкил этиш борасидаги ижобий тажрибани ҳисобга олиб, бундай виставкаларни шундан кейинги йилларда ҳам уюштиришни кўзда тутадилар.

Ҳар икки томон рус ва немис тилларини ўзаро ўйинга кўмаклашаверади.

Касаба союзлари ўртасидаги алоқаларни янада ривожлантириш муҳим эканлиги уқтириб ўтилди. Томонлар шаҳарлар ўртасидаги алоқаларни кучайтиришга ҳам ёрдам беравердилар.

Томонлар «СССР—ГФР» жамияти ва «ГФР—СССР» жамиятлари федерациясининг алоқаларини янада ривожлантиришни ёқлаб чиқадилар. Томонлар уларнинг фаолиятига ҳамжиҳатлик ишига қўшилган фойдали ҳисса, деб ижобий баҳо берадилар.

Томонлар инсонпарварлик характеридаги масалаларни ҳал этишда силжишга эришилганлигини таъкидладилар. Улар бундан буён ҳам ана шу масалаларни ижобий тарзда кўриб чиқишга тайёр эканликларини билдирдилар.

КПСС Марказий Комитетининг Бош секретари, СССР Олий Совети Президиумининг Раиси ва Германия Федератив Республикасининг федерал канцлери Европадаги ҳозирги аҳвол ва умуман халқаро тараққиётнинг асосий проблемаларини батафсил муҳокама қилдилар. Улар Европа халқлари ўттиз йилдан кўпроқ вақтдан буён уруш нималигини билмаётганликларидан гоят мамнун эканликларини билдирдилар.

Томонлар тинчлик олий бойлик бўлиб келганлигини ва шундай бўлиб қолаётганлигини, ўзларининг сиёсий ҳатти-ҳаракатлари, шунингдек бошқа давлатларнинг кўрадиган тадбирлари ҳам тинчликка асосланиши лозим эканлигини айтдилар.

Томонлар мамнуният билан қайд этадиларки, Европада турли сиёсий, иқтисодий ва социал системалар мавжуд эканлигига қарамай, ўзаро ишонч ва яхши қўшничиликни мустаҳкамлашда сезиларли силжишга эришилди. Улар халқаро кескинликнинг юмшатилишини муттасил ривожлантириш ишонч ва яхши қўшничликка олиб борадиган бирдан-бир йўл эканлигига қатъий амин бўлганликларини изҳор қилдилар.

Томонлар Европада хавфсизлик ва ҳамкорликка бағишланган кенгаш Европадаги вазиятни яхшилашда ижобий роль ўйнаганлигини таъкидладилар. Бу кенгаш 1975 йил 1 августда қатнашувчи давлатлар олий раҳбарларининг Хельсинки якунловчи актини имзолаши билан тугаган эди.

Улар Европада хавфсизлик ва ҳамкорликка бағишланган кенгашда қатнашган давлатлар вакилларининг Белграддаги учрашуви якунларини муҳокама қилдилар. Шу билан бирга мазкур учрашув якунловчи актни имзолаган давлатларнинг Хельсинкида қабул қилинган қарорларига мувофиқ, кескинликни юмшатиш жараёнини давом эттириш ниятини тасдиқлади, деб уқтириб ўтилди.

Томонлар кенгашнинг якунловчи актини имзолаган барча давлатлар бу актдаги ҳамма қоидаларни бир томонлама, икки томонлама ва кўп томонлама тартибда тўла амалга оширишлари муҳим эканлигини таъкидладилар.

Томонлар Ўзаро Иқтисодий Ёрдам Кенгаши билан Европа иқтисодий ҳамжамияти ўртасидаги музокараларнинг давом эттирилаётганлигидан мамнун эканликларини билдирдилар. Улар ҳар иккала ташкилот ўртасидаги алоқалар Европада ҳамкорликни мустаҳкамлаш ва чуқурлаштиришга хизмат қила олади, деган фикрни билдирдилар. Улар иккала ташкилот ўртасидаги музокаралар ижобий натижаларга олиб келади, деб умид қиладилар.

КПСС Марказий Комитетининг Бош секретари, СССР Олий Совети Президиумининг Раиси ва Германия Федератив Республикасининг федерал канцлери қурол-яроғларни чеклаш ва қуролсизланиш масалалари юзасидан, шунингдек қуроллариш пойгасини тўхтатиш мақсадида кўриладиган тадбирлар хусусида кенг кўламда фикрлашиб олдилар. Ҳар икки томон самарали халқаро назорат остида ёппасига ва батамом қуролсизланиш мақсадлари сари олга қараб реал ҳаракат қилиб бориш манфаатларини кўзлаб ўз ихтиёрларидаги барча имкониятлар ва воситалардан фойдаланишга аҳд қилганликларини билдирдилар. Ёппасига ва батамом қуролсизланиш ядро қуролини ҳам, қурол-яроғларнинг оддий турларини ҳам ўз ичига олиши керак.

Томонлар БМТ Бош ассамблеясининг қуролсизланиш масалаларига бағишлаб ўтказиладиган махсус сессиясига катта аҳамият бераётганликларини таъкидладилар ва бу сессияда ижобий натижаларга эришилиши учун ёрдам беришга тайёр эканликларини билдирдилар. Улар бу сессиянинг ўтказилиши қурол-яроғларни чеклаш ва қуролсизланиш соҳасида конкрет тадбирлар тўғрисида олиб бориладиган музокараларга янги мадад беришини қутмоқдалар. Ҳар икки томон махсус сессия қуролсизланиш масаласи юзасидан жаҳон миқёсида БМТ барча аъзоларининг иштироки билан бундан буён ҳам музокаралар олиб боришга ёрдам беради, деб умид қилаётганлигини билдирди. Қуролсизланишга бағишланган жаҳон конференцияси тўғрисидаги масала ҳам кўриб чиқилди.

Томонлар барча ядро қуролларини тарқатмаслик тўғрисидаги шартномага қатъий риоя қилиш муҳим эканлигини таъкидладилар. Улар бу шартномага умумий тус бериш учун барча давлатлар унга қўшилиши лозим эканлигини айтдилар.

Томонлар стратегик ҳужум қуролларини чеклаш тўғрисида Совет Социалистик Республикалари Иттифоқи билан Америка Қўшма Штатлари ўртасида олиб борилаётган музокаралар муҳимлигини таъкидлаб, бу музокаралар кескинликни юмшатиш ва ялпи тинчликни таъминлашга катта ҳисса қўшади, деб уқтириб ўтдилар. Улар бу музокараларнинг муваффақиятли ўтишига эришиш гоят муҳим, деб ҳисоблайдилар.

Томонлар ядро қуроли синовларини батамом ва ёппасига тақиқлаш катта аҳамиятга молик, деб ҳисоблайдилар ва олиб борилаётган музокаралар яқин орада муваффақиятли тугалланади деб умид қилаётганликларини билдирадилар.

Томонлар химиявий қуролнинг ҳамма турларини тайёрлаш, ишлаб чиқариш ва унинг запасларини тўлашни самарали тақиқлаш ҳақидаги ва бу қуролни бутунлай йўқ қилиб юбориш тўғрисидаги битимларни тезроқ тузишга эришиш мақбул, деб ҳисоблайдилар.

Марказий Европада қуролли кучларни ва қурол-яроғларни ўзаро қисқартириш ва шулар билан боғлиқ бўлган тадбирлар тўғрисида Венада олиб борилаётган музокаралардаги аҳвол ҳар томонлама муҳокама қилинди. Томонлар суҳбат давомида ана шу масалаларни томонлардан бирининг хавфсизлигига зарар етказмаслик принципига мос бўлиб тушадиган, Европада барқарор муносабатларни вужудга келтиришда ва тинчлик ҳамда хавфсизликни мустаҳкамлашга ёрдам берадиган тарзда ҳал этиш зарур эканлигини кўзда тутдилар.

Томонлар Яқин Шарқдаги аҳвол ва бу районда кескинликни сақланиб қолаётганлигидан ташвишланаётганликларини билдирдилар. Улар бу районда адолатли ва мустаҳкам тинчлик манфаатларини кўзлаб, можарони манфаатдор бўлган барча томонлар вакилларининг, шу жумладан Фаластин араб халқи вакилларининг иштирокида кенг кўламда бартараф қилиш зарур эканлигига аминдирлар.

Африка қитъасида кескинликни юмшатиш ва тинчликни таъминлаш нуқтаи-назардан бу райондаги вазиятнинг ривожи кўриб чиқилди. Томонлар БМТ устави қоидаларига ва Африка Бирлиги Ташкилотининг қарорларига мувофиқ, Африка давлатларининг мустақиллиги, суверенитети, чегараларининг даҳлсизлиги ва территориал бутунлигини ҳурмат қилиш ана шу мақсадга мос бўлиб тушади, деб ҳисоблайдилар.

Томонлар Африканинг жанубидаги аҳволга тааллуқли масалалар юзасидан фикрлашиб олдилар.

Томонлар халқаро иқтисодий ҳамкорликни муттасил кенгайтириш ва чуқурлаштириш халқларнинг ўз фаровонлигини ошириш, тинчликни мустаҳкамлаш йўлидаги интилишларига мос бўлиб тушади, деган фикрни изҳор қилдилар. Улар халқаро иқтисодий муносабатлар ҳуқуқий тенгликка, ўзаро манфаатдорликка ва барча мамлакатларнинг манфаатларини адолатли ҳисобга олишга асосланиши зарур эканлигини таъкидладилар. Томонлар ривожланаётган мамлакатларнинг халқаро ҳамкорликда ҳуқуқий жиҳатдан тенг асосда иштирокини анча кенгайтириш билан боғлиқ бўлган масалаларни муҳокама қилдилар.

Улар граждан авиациясининг хавфсизлигини таъминлаш, шу жумладан ҳаво қароқчилиги хуружларининг олдини олиш ва улар билан курашиш, шунингдек гаровга олиш билан курашиш тадбирларини ишлаб чиқиш борасида халқаро ҳамкорлик зарур эканлигини айтдилар.

Томонлар Бирлашган Миллатлар Ташкилотининг халқаро тинчлик, хавфсизликни сақлаш ва давлатлар ўртасидаги ҳамкорликни ривожлантиришга қаратилган тадбирларини бутун чоралар билан қўллаб-қувватлашга интиладилар. Улар БМТнинг мақсадлари ва принципларига содиқ эканлигини ҳамда ташкилотнинг уставига қатъий риоя қилиб, бунинг учун унда кўрсатиб берилган имкониятлардан тўла фойдаланган ҳолда бу ташкилотнинг обрў-эътибори ва самарали иш кўришига ёрдам бериш учун тайёр эканликларини уқтириб ўтдилар.

Томонлар БМТ доирасида ҳар икки мамлакат ҳамкорлигини янада ривожлантириш манфаатлари йўлида БМТнинг фаолиятига доир масалалар юзасидан, аввало ҳалқаро тинчлик ва хавфсизликни мустаҳкамлаш, шунингдек қуролсизланиш соҳасида маслаҳатлашиб туриш практикасини давом эттиришни кўзда тутадилар.

Томонлар икки ўртадаги учрашувлар ва музокаралар самарали бўлиб, муҳим натижалар берганлигини яқиллик билан изҳор қиладилар. Визит ҳар икки давлат ўртасидаги муносабатларни янада ривожлантириш учун янги истиқболлар очиб беради ва Европада ҳамда умуман жаҳонда тинчлик ва хавфсизликни мустаҳкамлашга ҳисса бўлиб қўшилади.

Л. И. Брежнев СССР Олий Совети Президиуми ва Совет ҳукумати номидан федерал президент В. Шеель ва федерал канцлер Г. Шмидтни расмий визит билан Совет Иттифоқига келишга таклиф этди. Бу таклиф миннатдорчилик билан қабул қилинди. Визитлар вақти қўшимча равишда аниқланади.

ГФР РАҲБАРЛАРИ ШАРАФИГА

БОНН, 5 май. (ТАСС махсус мухбирлари). КПСС Марказий Комитетининг Бош секретари, СССР Олий Совети Президиумининг Раиси Л. И. Брежнев бугун ҳукумат қабул маросимлари уйи — «Редут»да нонушта-зиёфат берди. Зиёфатда ГФР Президенти В. Шеель билан ГФР федерал канцлери Г. Шмидт ҳозир бўлдилар.

Федерал канцлер ўринбосари, ташқи ишлар министри Г.-Д. Геншер, федерал ҳукуматнинг бошқа аъзолари, сиёсий партияларнинг раҳбарлари, бундестаг депутатлари ва бундесрат аъзолари, бир қанча ўлкаларнинг бош министрлари, касаба союз, маданият арбоблари, «ГФР—СССР» жамияти раҳбарлигининг аъзолари, бошқа расмий кишилар ҳам ҳозир бўлдилар.

Зиёфатда КПСС Марказий Комитети Сиёсий бюросининг аъзоси, СССР ташқи ишлар министри А. А. Громико, СССР Министрлар Совети Раисининг биринчи ўринбосари Н. А. Тихонов, СССР министрлари Н. С. Патоличев ва Б. П. Бугаев, Л. И. Брежневга ҳамроҳ бўлган бошқа совет расмий кишилари бор эдилар.

КПСС Марказий Комитетининг Бош секретари, СССР Олий Совети Президиумининг Раиси Л. И. Брежнев нутқ сўзлади.

Л. И. БРЕЖНЕВ нутқи

Муҳтарам федерал президент жаноблари!

Муҳтарам федерал канцлер жаноблари!

Хонимлар ва жаноблар!

Германия Федератив Республикасининг раҳбарларини, сиёсий партияларнинг раҳбарларини, касаба союзлари, савдо-саноат доираларининг таниқли намояндаларини, журналистларни, таклифимизни қабул қилган барча кишиларни меҳмонларимиз сифатида самимий қутлаётганимдан мамнунман.

Федератив республикага келганимизга мана икки кун бўлди. Бугун ҳам биринчи кун каби тиғиз ишлар мўл бўлди. Ҳар икки томон ўзларининг биргаликдаги ишларида ва жаҳон сиёсати соҳасида ғоят муҳим деб ҳисоблаган нарсаларнинг ҳаммасини муҳокамага қўйди ва бунда ана шу масалаларнинг кескин томонлари ҳам четлаб ўтилгани йўқ. Зотан, реализм конструктив ишлаш учун бирдан-бир пухта заминдир. Биз эса муносабатларимизнинг иморати бўш тупроқда эмас, балки шиббаланган қаттиқ ерда тикланишини хоҳлаймиз. Мен бу гапни иккала томон номидан ҳам айтишим мумкин деб ўйлайман.

Бу ерга келишга тайёргарлик кўраётиб, кейинги йилларда мамлакатларимиз ўртасидаги муносабатларда қандай ўзгаришлар содир бўлди, эришилган ўзгаришлар нечоғли сезиларли бўлди, деб ўзимга ўзим неча бор савол бердим.

Айни шу бугун туғилганига 160 йил тўладиган буюк мутафаккир, илмий социализмнинг асосчиси Карл Маркс бир вақтлар ҳақиқий ҳаракатнинг ҳар бир қадами кўпдан-кўп программалардан кўра муҳимроқдир, деган эди. Бу сўзларда нақадар зўр ҳақиқат бор. Конкрет ишларнинг ўрнини ҳеч нима босолмайди, бу ўринда ишлар ғоят ифодали тилда гапирмоқда.

Етмишинчи йиллар мамлакатларимиз ўртасидаги муносабатларнинг нормаллашувида кўпгина янги ва шубҳасиз фойдали ишлар қилинганлигини яққол кўрсатди, деб ўйлайман. Мамлакатларимизнинг ҳар бири учун, шунингдек умуман жаҳон майдонидаги аҳвол учун фойдали ишлар амалга оширилди.

Аввало моддий негизни— иқтисодий алоқаларни олиб кўрайлик. Бу борада катта-катта силжишлар юз берди. Чунки йўқ нарсадан бошланди, деб айтмасак ҳам, бизнинг мамлакатларимиздек мамлакатлар учун ҳеч етарли бўлмаган анча паст даражадан иш бошлашга тўғри келди. Ҳозир эса эришилган натижалар сезиларли бўлиб турибди. Шуни эслатиб ўтиш кифояки, кейинги тўрт йил мобайнида СССР ГФРга 27 миллион тоннадан зиёд нефть ва нефть маҳсулотлари, 100 миллион сўмлик химиявий маҳсулотлар, 2 миллион куб метр ёғоч-тахта, 120 минг тонна пахта ва бошқа кўпгина маҳсулотларни етказиб берди. Совет Иттифоқи етказиб бераётган табиий газ йил сайин кўпайиб бормоқда. 2000 йилгача эса 200 миллиард куб метр чамаси газ етказиб берилади.

Шу ўтган тўрт йил мобайнида биз ГФРдан асбоб-ускуна ва машиналарнинг ўзидангина жами 3,5 миллиард сўмликдан ошиқ харид қилдик.

Ғарбий Германиянинг машина-ускуналари ва технологияси бир қанча йирик халқ хўжалик қурилишларимиз ва саноат объектларимизнинг анъанавий компоненти бўлиб бормоқда. Совет Иттифоқидан берилаётган буюртмалар, хом ашё ва ёқилғи эса завод ва фабрикаларингизни иш билан таъминлашни оширишда сизга ёрдам бермоқдаки, кўп ишсизлик шароитида бунинг аҳамияти анча муҳим деб биламан.

Маданий алоқаларни олиб кўринг. Халқлар ўртасида, оддий кишилар оммаси ўртасида зўр ҳамжиҳатлик вазиятини вужудга келтиришда маданий алоқалар сўзсиз катта роль ўйнамоқда. Шу жиҳатдан олганда ҳам каттагина силжишлар бўлганлигини айтиш мумкин.

Яқинда мен маданий алоқаларимиз тўғрисидаги конкрет маълумотларни сўраб билдим. Хўш, бу маълумотлар қандай деб ўйлайсиз? Фақат тўрт йил мобайнида икки ўртада амалга оширилган ишларнинг ўзи катта-катта беш саҳифа бўлибди. Унда тасвирий санъат виставкаларини айирбошлаш ҳам, кўпгина ансамбль ва коллективларнинг концертлари ҳам, таниқли режиссёр ва артистлар иштирокида қўйилган спектакллар ҳам, машҳур хонандалар, созандаларнинг гастроллари ва ижодкор зиёлиларнинг турли учрашувлари ҳам бор.

Халқаро муносабат жиҳатлари тўғрисида гапирадиган бўлсак, бу борадаги яхши ўзгаришлар ундан ҳам кўп, дейиш мумкин. ГФРнинг бевосита ёки яқин қўшнилари бўлган — ГДР, Чехословакия, Польша ва Европадаги бошқа социалистик давлатлар билан ташқи муносабатларнинг соғломлаштирилиши томонларнинг ҳар бири учун, шубҳасиз, фойдали бўлмоқда. Буни Федератив республикада кўпчилик сезаётган бўлиши керак. Шу муносабатларнинг муваффақиятли ривожланиб бораётганлигини, жумладан, Эдвард Герек билан Густав Гусакнинг яқинда ГФРга қилган визитларининг якунлари ҳам яққол кўрсатиб турибди.

ГФР билан ГДРнинг Бирлашган Миллатлар Ташкилотига аъзо бўлиб кириши — жаҳондаги умумий вазиятни нормаллаштиришда муҳим элемент бўлди.

Ниҳоят, иккала мамлакатимиз ўртасидаги муносабатларда туб бурилиш бўлганлиги, айтишим мумкинки, Совет — Франция ҳамкорлиги тажрибаси билан қўшиб олганда, АҚШ ва Канаданинг ҳам иштирокида ўтказилган Хельсинкидаги Умумевропа кенгаши сингари халқаро муносабатлар тарихида муҳим бўлган босқичга йўл очиб берди.

Ҳозирги музокараларимиз ва учрашувларимиз СССР билан ГФР ўртасидаги муносабатларни яхшилаш ва кенгайтиришда сезиларли из қолдиради, Европа ва жаҳон иқлимини соғломлаштиришни мустаҳкамлашга ёрдам беради, деб умид қилишни истардим. Ҳар ҳолда, биз ўз олдимизга шундай ниятни қўямиз. Бизларнинг бу борада биргаликда олиб бораётган ишларимиз мамлакатларимизнинг аҳолиси Совет Иттифоқи билан ГФРнинг туб манфаатлари тинчликни таъминлаш билан чамбарчас боғлиқ эканлигини, мамлакатларимиз халқлари бундан буён бир-бирларига ҳеч қачон қурол ўқталмасликларини, Европанинг келажаги фақат тинч ҳамкорлик йўлидан иборат эканлигини тушуниб олганларидагина салмоқли ва мустаҳкам бўлур эди, деган фикрни қўшиб ўтишни истардим. Одамлар онгида мана шундай туб бурилишни амалга оширганимиздагина, бизни ҳеч ким ва ҳеч нарса бу йўлдан четга чиқара олмайди.

Шунинг учун ҳам бир-биримиз тўғримизда ҳаққоний ва яхши ният билан аҳборот беришнинг аҳамияти муҳим. Кишиларни, аввало ёшларни бошқа халқларга ҳурмат руҳида тарбиялаш, ғоят оғир юк бўлиб орқага, ўтмишга тортадиган ғоялар ва тасаввурлардан халос бўлиш муҳимдир. Бунда оммавий информация воситалари, мактаб ва университетлар зиммасига жуда катта масъулият юкланади.

Идеологик баҳслар, мафкуралар кураши давом этаверади, албатта. Лекин биз идеологияни ҳарбий штабларнинг хизматчиси қилиб қўйилишига, идеологиялар курашни эса психологик урушга айланишига қаршимиз. Ғоялар ва ижтимоий практиканинг тинч, ҳалол мусобақаси — бизнинг принципимиздир. Одамлар ўзларининг муносабатларини, шу жумладан, идеология масалаларидаги муносабатларини жанггоҳда ҳал этмасликлари керак. Ким кимни баттарроқ қоралаб тасвирлаш мусобақасининг сизга ҳам, бизга ҳам кераги йўқ. Биз ҳамкорлик ва ишонч йўлидан борар эканмиз, шунга яраша ҳаракат қилинса, яхши бўлур эди.

Сўзимни тугатаётиб, бизни Федератив республикада эътибор бериб меҳмондўстлик билан кутиб олаётганликлари учун федерал президент жанобларига ва федерал канцлер жанобларига самимий миннатдорчилигимни изҳор этмоқчиман. Ҳозироқ айтиш мумкинки, визитимиз фойдали, мазмунли ва зарур визит бўлмоқда.

Энди Сиз, федерал президент жанобларини ва Сиз, федерал канцлер жанобларини мамлакатимизга расмий визит билан боришингизни таклиф қилмоқчиман. Биз сизларга меҳмондўстлик кўрсатишдан, Совет Иттифоқи билан Германия Федератив Республикаси ўртасидаги муносабатларни янада чуқурлаштириш манфаатлари йўлида сизлар билан алоқаларни давом эттиришдан хурсанд бўлур эдик.

СССР билан ГФР ўртасида қалин ҳамжиҳатлик ва самарали ҳамкорлик учун қадаҳ кўтаришга рухсат этгайсиз!

Федерал президент жаноблари ва Шеель хонимнинг соғлиги учун!

Федерал канцлер жаноблари ва Шмидт хонимнинг соғлиги учун!

Бу ерда ҳозир бўлган барча кишиларнинг соғлиги учун!

* * *

ГФР федерал канцлери Г. Шмидт жавоб нутқи сўзлади.

Г. ШМИДТ нутқи

Ҳурматли раис жаноблари!

Ҳурматли хонимлар ва жаноблар!

Сиз бугун бизга, ўз меҳмонларингизга қарата айтган дўстона сўзларингиз учун ўз номимдан, шунингдек рафиқам номидан ва Сиз тантанали шу дастурхонга таклиф этган барча кишилар номидан миннатдорчилик билдиришга ижозат бергайсиз. Меҳмондўстлигингиз учун ташаккур билдириш ва жавоб нутқи сўзлашни менга топширгани учун Федерал президентдан ғоят мамнунман.

Ҳаммамиз Сизнинг визитингизга жуда катта аҳамият бермоқдамиз. Бунда гап ўз юртимизда йирик давлат— СССР бошлиғини табриклаш имконияти туфайли вужудга келган мамнуният туйғулари тўғрисидагина бормаяпти. Биз Сизни ўз масъулиятини англаган ва узоқни кўрадиган давлат арбоби сифатида қадрлаймиз. Шарқ билан Ғарб ўртасидаги муносабатларни яхшилашда эришилган жуда муҳим муваффақиятлар шахсан Сизнинг сиёсий фаолиятингиз билан ва кескинликни юмшатиш принципи билан боғланган. Шахсан Сиз ана шу принципни кўп жиҳатдан белгилаб бердингиз. Биз Сиздек суҳбатдошимизни қадрлаймиз, биз Сизни ўз тажрибаси ва эътиқодларига кўра очиқ суҳбат қилишга интилиб келган киши деб биламиз. Биз бунга кўп марта ишонч ҳосил қилдик: Сизнинг беш йил муқаддам биринчи визит билан Боннга келган вақтингизда, мамлакатингизга қилган сафарим вақтида, ГФР президентининг давлат визити билан Совет Иттифоқига борган вақтида бунга ишонч ҳосил қилдик ва кечаги ҳамда бугунги суҳбатларимиз вақтида бунга яна ишонч ҳосил қилдик.

Сиз халқларимиз ва давлатларимиз ўртасидаги муносабатларни тинч-тотув яшаш муносабатлари деб таърифлаб бердингиз. Биз бу фикрга қарши эътироз билдира олмаймиз. Бунинг боиси шуки, бизлар ҳам реал аҳволни яхши биламиз, халқларимиз ижтимоий системаларнинг турлича бўлишига қарамай, муҳим масалалар ва демократияга нисбатан фикрлари турлича бўлишига қарамай бир-бири билан яхши қўшни бўлиб, тинч шароитда яшаш лозим эканлигини ва шуни истаётганликларини яхши биламиз.

Тинч-тотув яшаш, бизнинг фикримизча, бир-биримиздан четлашамиз, деган маънони билдирмаслиги керак. Европа икки қисмга бўлинган. Бу қисмларнинг биронтаси ҳам сиёсий системаси ўзгача бўлган бошқа қисмда ҳам юз миллионларча кишилар яшаётганлигини шунчаки маълумотга олиш билан чекланмаслиги лозим. Бир-биридан четлашиш Европа тарихининг давомийлигини бузибгина қолмай, тинчлик ишига ҳам хавф туғдириши мумкин. Биз Европа тарихини ёмон маънода бўлса ҳам, яхши маънода бўлса ҳам биргаликда яратганмиз-ку, ахир.

Шу сабабли, Раис жаноблари, чуқур ишонч билан Сизга шу гапларни айтмоқчи бўламан: бизни бир-биримиздан ажратиб турган ҳамма масалалар юзасидан бир-биримиз билан қай тариқа ва қандай йўллар билан яқинлаша олишимиз тўғрисида ҳар қачонгидан кўпроқ ўйлаб кўришимиз керак. Сизлар ҳам, бизлар ҳам истаётган тинчлик манфаатлари йўлида шундай қилиш зарур. Шундай иш қуришнинг иложи ҳам бор.

Шу асрда немислар ва руслар бир-бирига қарши икки марта қурол кўтардилар. Барча урушлар орасида айниқса кейинги ва энг мудҳиш уруш ҳар икки халқни беқиёс кулфатларга дучор қилди. Бизнинг зиммамизга сиёсий масъулият юклатилган. Биз бундай урушнинг ҳеч қачон такрорланмаслиги тўғрисида ҳаракат қилишимиз лозим. Бизнинг вазифамиз ва айни вақтда тарих олдидаги бурчимиз ана шундай. Украин колхозчиси, Рур шахтёри бу масалада бир хил фикрда эканлигига аминман.

Аммо уруш тўғрисидаги хотира бизнинг орамизда бартараф қилиб бўлмайдиган ғовни вужудга келтирмаслиги керак. Урушнинг ҳамма даҳшатлари ва азоб-уқубатларидан халқларимиз бир хил тажриба ҳосил қилдилар ва бир-бирига ўхшаш қарашларга эга бўлдилар. Мен бунда ёзувчиларингиздан бирига мансуб бўлган сатрларни эслатиб ўтаман: уруш нималигини билган киши учун «Тинчлик» сўзи конкрет аҳамият касб этиши мумкин ва агар мен умуман урушдан миннатдор бўла олар эканман, унинг «тинчлик» сўзини тушуниб олишимга ёрдам берганлиги учунгина миннатдор бўлишим мумкин.

Бош секретарь жаноблари, бу сўзлар Сиз учун қандай адолатли бўлса, мен учун ҳам шундай адолатли эканлигини биламан.

Аммо бизнинг муносабатларимиз тинчликнинг аҳамияти тўғрисидаги барча тушунчалардан устун турадиган муштарак тушунчаларимизгагина асосланган эмас. Бизнинг халқларимиз ўтмишга, бир-бирларини маънавий ва маданий жиҳатдан бойитиш ҳамда бир-бирларига таъсир ўтказишнинг кўп қиррали кўп асрлик тарихига назар солиб, шу асосда тобора яқинлашиб бориш йўлларини белгилай оладилар.

Мен сизнинг XIX ва XX асрлардаги порлоқ адабиётингизни — Пушкиндан тортиб Шолоховгача ёзилган адабиётингизни эслайман. Бу адабиёт Сизнинг мамлакатингизгагина эмас, Ғарбга ҳам нур сочди ва шоирларимиз ҳамда ёзувчиларимизни ўз ижодини буюк инсоний проблемаларни, социал адолатсизлик проблемаларини тасвирлаш учун бағишлашга илҳомлантирди. Немис фалсафаси мамлакатингизнинг маънавий камолотига ўтказган таъсирини ҳам инкор қилиб бўлмайди. Музика соҳасида — Чайковскийдан тортиб Шостаковичгача, балетда, тасвирий санъатнинг ҳамма турларида, шунингдек спорт соҳасида, хуллас ҳамма соҳада бир-бирини бойитиш сезилиб турибди.

Европа ижодий меросини олиб кўрадиган бўлсак, қитъамизнинг ғарбий қисми нималар яратиб берганлигини ва шарқий қисми нималар яратиб берганлигини бир-биридан ажратиш қийин.

Европа маданияти ва цивилизацияси яхлит бутун бир нарсадир. Улар ҳаммамизга тенг даражада мансубдир.

Мамлакатимиз билан Шарқий Европа мамлакатлари ўртасидаги шартномалар тузилганлиги, шу жумладан 1970 йил Москва шартномасининг тузилганлиги кескинликни юмшатиш соҳасида муҳим қадам, сиёсий ютуқ бўлди. Бу шартномаларни тузишда Вилли Брандт ва Вальтер Шеель ҳам, Раис жаноблари, Сиз ҳам, ташқи ишлар министри Громико жаноблари ҳам, умуман мамлакатингизнинг сиёсий раҳбарлиги аъзолари ҳам бир хил даражада иштирок қилдилар.

Шундан кейин тўрт томонлама битим ва Германия Федератив Республикаси билан ГДР ўртасидаги муносабатларнинг асослари тўғрисида шартнома тузилгач, Хельсинкида кенгаш ўтказиш имконияти туғилди. Бош секретарь жаноблари, шахсан кўрсатган ташаббусингиз туфайли кўп жиҳатдан бунга эришилди. Ҳаммамиз қўлга киритилган натижалардан мамнун бўла оламиз. Менинг фикримча, Умумевропа кенгашининг Якунловчи акти Шарқ билан Ғарб ўз муносабатларини ривожлантириш учун ва кишиларнинг тақдири учун янги миқёсларни белгиловчи муштарак тил топа олишларидан далолат берувчи умидбахш ўрнак бўлиб хизмат қилди.

Ана шу мўътабар кенгашдан кейинги йилларда кескинликни юмшатиш жараёни сусайиб кетди ва муваффақиятсизликларга ҳам дуч келинди. Аммо биз тинч даврда янги тўқнашув хавфи эҳтимоли борлигидан кўз юмишни истамаймиз.

Тинчликни таъминловчи асосий нарса нимадан иборат — мен буни русларнинг ибратли мақоли билан ифода этишни истайман. Бу мақолда: «Идроксиз ақл — кулфатдир» дейилган.

Дарҳақиқат, Шарқ билан Ғарб ҳамма соҳада ақл-идрок билан иш кўришга ўрганиши ва ҳеч қандай шарт қўймай, ўз сиёсатини кескинликни юмшатиш мақсадига мослаштириши керак. Бу гап қитъамизга тааллуқлидир ва бу гап жаҳоннинг ҳамма районларига ҳам тааллуқлидир.

ГФРнинг Шимолий Атлантика иттифоқидаги ва Европа ҳамжамиятидаги шериклари ҳам биз каби тинчлик позицияларида турибди. Биз сиёсатимиз соҳасидаги ҳамма тадбирларни ана шу шерикларимиз билан батафсил келишиб олмоқдамиз. Раис жаноблари, сиз яқинда комсомолнинг XVIII съездида сўзлаган нутқингизда мамлакатимизга қиладиган визитингиз ҳар икки мамлакатимизнинг бундан буёнги ўзаро манфаатли кенг ҳамкорлиги истиқболларини белгилашгагина ёрдам бериб қолмай, хусусан Европада кескинликнинг юмшатилишини ва ялпи тинчликни мустаҳкамлаш ишига ҳам хизмат қилиши лозим, деб айтдингиз.

Биз муайян бир мақсадни кўзда тутган шу фикрга Сиз билан бирга чин кўнгилдан қўшиламиз. Сизнинг мамлакатимизга қилган кейинги визитингиз вақтида бу фикр Берлин тўғрисида олиб борилган суҳбатларда ўзининг конкрет ифодасини топди. Раис жаноблари, Сиз ўша вақтда дўстим Вилли Брандт билан тўрт томонлама битимга қаттиқ риоя қилиш ва уни тўла-тўкис қўллаш деган таъбир хусусида келишиб олдингиз. Бу эса бизга умид ва ишонч бахш этди. Эндиликда биргаликда куч-ғайрат сарфлаб, бу аҳдномани амалга ошириш ҳамда бу билан тортишув ва ғовларни юмшатиш учун ягона мезонларни қидириб топиш керак. Бу эса ана шу шаҳарнинг ўз аҳолисига, ўзининг барча шерикларига наф келтирадиган тарзда Европада кескинликни юмшатиш жараёнида ҳар томонлама иштирок қилиши учун шарт-шароитларни вужудга келтирган бўлур эди.

Раис жаноблари, сиз «Форвертс» ҳафтаномаси мухбирининг саволларига яқинда берган жавобларингизда тамомила ҳақли равишда халқаро меҳнат тақсимотининг чуқурлашиб бориши барча мамлакатларга катта имкониятлар очиб беради, деб айтдингиз. Мен Сизнинг жавобларингизни эътибор билан ўқиб чиқдим.

Жаҳон иқтисодий тараққиётининг ортда қолган босқичида айрим мамлакатларнинг экономикаси илгари ҳеч қачон кўрилмаган даражада ўзаро чамбарчас боғланиб кетди. Ҳозирги вақтда Ғарб мамлакатлари инфляция ва тушкунлик оқибатларидан жафо чекмоқдалар. Ана шу хавф-хатар Ўзаро Иқтисодий Ёрдам Кенгашига аъзо бўлган мамлакатларда жаҳон экономикасини барқарор қилишга ўз ҳиссасини қўшишдан очиқ ва бевосита манфаатдормиз, деган тушунчани туғдириши лозим. Шу билан бирга мен аввало, тараққий этган индустриал давлатлар билан ривожланаётган мамлакатлар ўртасидаги, бойлар билан камбағаллар ўртасидаги тафовутнинг бундан буён кучайишига йўл қўймаслик, балки бунинг аксича бу тафовутни аста-секин йўқотиш мақсадида куч-ғайратни биргаликда сарфлаш керак, деб ўйлайман.

Шарқ билан Ғарб ўртасидаги савдо-сотиқ тинчликни таъминлашнинг муҳим воситасидир. Биз савдо-сотиқнинг самарадорлигини янада кўпроқ оширишимиз керак — шунга эришмоқ керакки, ҳар бир томон бошқа томоннинг иқтисодий юксалишидан бевосита манфаатдор бўлсин ва бундай манфаатдорлик халқларимизнинг онгига ҳам чуқур сингиб кетсин.

Биз биргаликда ишлаб чиққан ва эртага имзолайдиган битим шу мақсадга хизмат қилади. Бу битим XXI асргача амал қилади. Биз экономика ва саноат соҳасидаги ҳамкорлигимизга доимий тус берамиз — биз бу билан ўзаро ишончимизни ҳужжат асосида қайд этамиз ва шу тариқа, келгусида тинчлик бўлишига ёрдам берамиз.

Мамлакатингиз индустрияси тараққий этган ва фойдали қазилмаларга бой бўлган мамлакатдир. Бизнинг мамлакатимиз хом ашёси кам бўлса ҳам техникавий жиҳатдан ғоят юксалгандир. Улар ўзаро манфаатдорлик асосида бир-бирларини тўлдира оладилар.

Икки томонлама товар айирбошлашнинг ривожланаётганлиги бундан далолат бериб турибди. Товар айирбошлаш ҳажми 1970 йилдан тортиб 1977 йилгача тўрт баравар ўсди.

Раис жаноблари, мен бу ерда Сизнинг меҳмонларингиз орасида немис саноати ва немис касаба союзларининг бир қанча етакчи намояндаларини, шу жумладан биргаликда тузилган ва Совет Иттифоқида амалга оширилаётган катта лойиҳалар иштирокчилари бўлмиш фирмаларнинг раҳбарларини кўриб турибман. Мен бундан хурсандман. Бизнинг битимимиз фирмаларимизнинг ҳамкорликни узоқ даврга мўлжаллаб планлаштира ва чуқурлаштира олишлари учун замин вужудга келтиради.

Ҳамкорлигимизнинг бошқа соҳаларида ҳам илгари силжиш сезилиб турибди. Бу гап санъат, фан ва туризмга, қариндош — уруғларнинг визитларига ва оила аъзоларининг яна бир-бирлари билан қўшилишига тааллуқлидир. Аммо биз ҳали жуда кўп иш қилишимиз керак.

Раис жаноблари, бизнинг суҳбатларимизда қуролсизланиш ва хавфсизлик масалалари катта ўрин олди. Бу проблемалар халқларимизнинг келажаги учун катта аҳамиятга молик эканлиги тўғрисида бир фикрда бўлдик. Мен ядро ва ноядро ҳарбий потенциалининг кўпайиб бораётганлигидан ташвишланаётганлигимиз ҳақида ва кучлар мувозанатини таъминлаш зарурлигига амин эканлигимиз тўғрисида гапирдим.

Хавфсизликни мустаҳкамлаш сиёсати Федерал ҳукумат учун —тинчлик сиёсатининг бир қисмидир. Бизнинг хавфсизлигимиз Шимолий Атлантика иттифоқига мансуб эканлигимизга кўп жиҳатдан асосланган. Аммо кучлар ҳарбий-сиёсий мувозанатининг мавжуд бўлиши Европада ҳамманинг хавф-хатарсиз яшаши учун зарур шарт-шароит бўлиб хизмат қилади.

Биз тинчлик учун муштарак жавобгар эканлигимизни ҳисобга олиб, Шарқ билан Ғарб ўртасида халқаро битимлар асосида ана шу мувозанат тўғрисида биргаликда ғамхўрлик қилишимиз ва бу мувозанатни таъминлашимиз лозим.

Федерал ҳукумат стратегик қурол-яроғларни чеклаш тўғрисидаги Совет-Америка музокаралари яқин орада муваффақиятли тугалланиши мумкин, деб умид қилади. Бу музокаралар стратегик ядро потенциалини янада пастроқ даражада стабиллаштиришга олиб келиши лозим.

Биз бу чора оддий қурол-яроғлар соҳасида ва ўртача масофаларга мўлжалланган ядро қуроллари соҳасида ҳам ҳозирги номувозанатликни қисқартиришга эришиш учун куч-ғайрат сарфлашга асос бўлади, деб ҳисоблаймиз.

Ҳар икки мамлакатимиз қуролли кучлар ва қурол-яроғларни ўзаро қисқартириш тўғрисида Венада олиб борилаётган кўп томонлама музокараларда қатнашмоқда. Бу музокаралар марказий Европада кучларнинг барқарор нисбатини вужудга келтириш йўли билан бутун Европада кучлар мувозанатига эришишга яқинлашиб боришни ўз мақсади деб билади. Ана шу музокараларда Ғарб мамлакатларидан қатнашаётган вакилларнинг кейинги ташаббуси ҳам шу мақсадни кўзда тутади. Бу ташаббусларда бараварлик ва коллективчилик принципларига кўпроқ эътибор берилган.

Раис жаноблари, Сиз яқинда ВЛКСМ съездида томонларнинг биронтаси ҳам бошқа томон устидан ҳарбий устунликка интилмасин, деб даъват этдингиз. Сизнинг бу даъватингизга кўп жиҳатдан қўшилганлигимизни қайд қилиб ўта оламан. Биз ҳар икки томоннинг ҳарбий устунлигидан воз кечиши асосида қуролли кучларни кўпайтиришни тўхтатиш ва уларни қисқартира бошлашга ўтиш йўлини қидириб топа билишимиз керак.

Европада хавфсизлик ва ҳамкорликка бағишланган кенгашда ишончни мустаҳкамлаш юзасидан келишиб олинган тадбирлар шундай қисқартириш йўлидаги муҳим қадам сифатида катта аҳамиятга эгадир. Биз бу тадбирларни тўлиқ амалга ошириш ва янада ривожлантириш тарафдоримиз. Шу билан бирга мен Вена музокараларининг қатнашчилари ҳуқуқий асосга таянган бу битимларни бажаришни шарт қилиб қўйишлари керак, деб ўйлайман.

Умуман олганда кескинликни юмшатишнинг сиёсий жиҳатларини ҳарбий кескинликни кенг кўламда юмшатиш билан тўлдириш керак. Шундай қилингандагина кескинликни юмшатиш жараёни «олға интиладиган ва мустаҳкам» жараён бўлиб қолиши мумкин. Биз масъул сиёсий арбоблар сифатида худди шу нарсани Хельсинки кенгашининг Якунловчи актида белгилаб берган эдик.

Бош секретарь жаноблари!

Биз Сизнинг ҳаёт йўлингизни биламиз. Сиз ишчи оиласида туғилганлигингизни ҳам биламиз. Сиз кескинликнинг юмшатилишини, ҳамкорлик ва тинчликни ёқлаб чиқар экансиз, халқнинг туйғулари ва муддаоларини ифода этасиз. Кескинликнинг юмшатилишини муқаррар жараёнга айлантириш —Сизнинг асл истагингиздир. Мен Сизни ва совет халқини ишонтириб айтаманки, немисларнинг ҳам истаги шундай, шахсан менинг ҳам истагим ва ниятим ана шундай.

Бош секретарь жаноблари. Сиз ўз визитингиз вақтида йирик порт шаҳарларимиздан бири билан таниша олишингиздан хурсандман. Бу ерда бўлганидек у ерда ҳам биз, немислар Сизнинг визитингизни табриклаётганлигимизга ишонч ҳосил қила оласиз. Бунинг боиси шуки, ҳаммамиз Совет Иттифоқи билан яхши қўшни бўлиб яшашни истаймиз.

Биз эртага қўшма баёнотни имзолаймиз. Биз қўшма баёнотда асосий нарса ҳар икки мамлакат халқларининг онгига янада чуқур ҳамжиҳатлик ғоясини, шунингдек бир-бирини ҳурмат қилиш ва бир-бирига кўмаклашишга тайёр туриш ғоясини сингдиришдан иборат эканлигини таъкидлаймиз. Биз бу масалада ёшларга алоҳида эътибор берамиз.

Тарих бизга берган энг муҳим сабоқ шундан иборатки, биз бошқа томон тўғрисидаги салбий тасаввурларнинг ишончсизлик, ғаламислик ва даҳшат туғдиришига йўл қўймаслигимиз керак. Биз ишончга ва пировард натижада дўстликка олиб борадиган учрашувларга умид боғлашимиз ва бундай учрашувларга тайёр туришимиз керак. Биз бундан буён ҳам ўзаро муносабатларимизда ахлоқий мезонларга кўпроқ эътибор бериш учун ҳаракат қилишимиз лозим.

Раис жаноблари, мен шахсан Сизнинг бахт-саодатингиз учун, Совет Иттифоқи билан Германия Федератив Республикаси ўртасидаги яхши муносабатлар учун, Европада ва бутун жаҳонда тинчлик учун қадаҳ кўтараман.

* * *

Зиёфатда ҳозир бўлган кишилар Л. И. Брежнев ва Г. Шмидт нутқларини зўр эътибор билан тинглаб, қарсаклар билан кутиб олдилар.

Зиёфат дўстона вазиятда ўтди.

СОВЕТ СОЦИАЛИСТИК РЕСПУБЛИКАЛАРИ ИТТИФОҚИ БИЛАН ГЕРМАНИЯ ФЕДЕРАТИВ РЕСПУБЛИКАСИНИНГ ЭКОНОМИКА ВА САНОАТ СОҲАСИДАГИ УЗОҚ МУДДАТЛИ ҲАМКОРЛИГИНИ РИВОЖЛАНТИРИШ ВА ЧУҚУРЛАШТИРИШ ТЎҒРИСИДА

БИТИМ

Совет Социалистик Республикалари Иттифоқи ҳукумати ва Германия Федератив Республикаси ҳукумати,

иккала давлат манфаатларини кўзлаб ҳамкорликни, шу жумладан, иқтисодий муносабатларни яхшилашга ва кенгайтиришга қатъий қарор қилинганлиги 1970 йил 12 августдаги Шартномада ифодаланганлигини эътиборга олиб,

савдо ва денгизда сузишнинг умумий масалаларига доир 1958 йил 25 апрелдаги битимни, иқтисодий, саноат ва техникавий ҳамкорликни ривожлантириш тўғрисидаги 1973 йил 19 майдаги битимни, иқтисодий ҳамкорликни янада ривожлантириш тўғрисидаги 1974 йил 30 октябрдаги битимни назарда тутиб,

ҳар иккала давлат ўртасида иқтисодий, саноат ва техникавий ҳамкорлик соҳасида эришилган анчагина тараққиётни юксак даражада баҳолаб,

ҳар иккала давлат ўртасидаги муносабатларнинг бутун комплексини узлуксиз ривожлантириш ва чуқурлаштиришга интилиб,

уларнинг иқтисодий, саноат ва техникавий муносабатлар соҳасидаги узоқ муддатли ҳамкорликларини кенгайтириш ва интенсивлаштириш ҳар иккала давлатнинг муштарак манфаатларига жавоб берибгина қолмасдан, шу билан бирга бутун Европада узоқ муддатли ҳамкорлик ишига муҳим ҳисса қўшаётганлигига ҳам амин бўлиб,

шу ҳамкорликни узоқ муддат давомида амалга ошираверишни истаб,

Европада хавфсизликка ва ҳамкорликка бағишланган кенгашнинг 1975 йил 1 августда Хельсинкида имзоланган Якунловчи актига мувофиқ Европада иқтисодий, саноат ва техникавий ҳамкорликни чуқурлаштириш Европада ва бутун дунёда халқаро кескинликни юмшатиш ва тинчлик ишига хизмат қилишини англаб,

қуйидагилар тўғрисида аҳдлашдилар:

1-МОДДА

Аҳдлашувчи томонлар икки томонлама муносабатларни мустаҳкамлашнинг муҳим ва зарур элементи бўлган иқтисодий, саноат ва техникавий ҳамкорликни барқарор ва узоқ муддатли негизда ривожлантиришга кўмаклашишни ўз олдиларига мақсад қилиб қўядилар. Тегишли корхоналар ва ташкилотлар томонидан келишилган ёки тайёрланаётган лойиҳаларнинг ҳамда келгусида, жумладан, хом ашё материаллар ва энергетика соҳасида тузилмоқчи бўлган лойиҳаларнинг узоқ муддатли эканлигини ҳисобга олиб, аҳдлашувчи томонлар ўзаро манфаатдорлик асосида ҳамкорликни янада интенсивлаштиришга интилажаклар.

2-МОДДА

Аҳдлашувчи томонлар ҳамкорликни, жумладан қуйидаги соҳаларда:

саноат комплексларни ва корхоналарини барпо қилиш, кенгайтириш ва модернизациялаш;

ускуналарнинг айрим турларини ва бошқа буюмларни биргаликда ишлаб чиқиш ва ишлаб чиқариш;

хом ашёнинг айрим турларини қазиб чиқариш ва қайта ишлаш, шу жумладан, денгиз тубидаги фойдали қазилмаларни ишга солиш;

энергетика соҳасида ҳамкорлик қилиш;

тегишли корхоналар ва ташкилотлар ўртасида техникавий ҳамкорлик қилиш;

банк ва страхование ишлари, транспорт соҳасида ва хизмат кўрсатиш ишларининг бошқа соҳаларида ҳамкорлик қилиш;

учинчи мамлакатларнинг корхоналари ва ташкилотлари билан ҳамкорлик қилиш борасида ҳамкорликни янада ривожлантиришга кўмаклашажаклар.

ҳамкорлик, жумладан машинасозлик сингари тармоқларда, шу жумладан транспорт машинасозлиги, металлургия, химия, электр техника тармоқларида, шу жумладан, электрон саноат тармоғида, шунингдек кенг истеъмол моллари саноатида амалга оширилажак.

3-МОДДА

Аҳдлашувчи томонлар ўз молларини реализация қилиш борасида ўзаро имкониятларни яхшиламоқ учун иқтисодий ахборотни мумкин қадар кенгроқ айирбошлашни рағбатлантиражаклар. Шу билан бирга, улар савдога кўмаклашиш бюроларининг, харид комиссияларининг, корхоналар ва ташкилотлар ваколатхоналарининг, аралаш жамиятларнинг ва техникавий ходимларнинг амалий алоқалари ва иш шароитларини амалдаги қонунлар ва қоидалар доирасида бундан буён ҳам рағбатлантираверадилар, шунингдек ярмаркалар, ихтисослашган кўргазмалар, симпозиумлар ва шу сингари бошқа тадбирларни ўтказишга кўмаклашажаклар.

4-МОДДА

Аҳдлашувчи томонлар иккала давлат ўртасида иқтисодий, саноат ва техникавий ҳамкорликни ривожлантириш чоғида халқаро меҳнат тақсимоти принципларини ва тегишли бозорларнинг шарт-шароитини ҳисобга олишга ҳаракат қилажаклар. Ўзаро манфаатдорлик мавжуд бўлган тақдирда катта миқёсдаги ва узоқ муддатли лойиҳаларни рўёбга чиқаришдаги ҳамкорлик мана шундай ҳамкорлик натижасида ишлаб чиқарилаётган маҳсулотларни етказиб бериш билан боғланган ҳолда амалга оширилиши мумкин.

5-МОДДА

Иқтисодий ҳамкорликни янада ривожлантирмоқ учун пул билан таъминлашнинг, шу жумладан ўрта муддатли ва узоқ муддатли кредитлар беришнинг аҳамиятини эътироф қилган ҳолда аҳдлашувчи томонлар ушбу битим мақсадларига эришмоқ учун кафолатлар бериш борасида ўрта муддатли ва узоқ муддатли кредитлар шу давлатларнинг ҳар биридаги мавжуд қоидалар доирасида мумкин қадар қулай шартлар билан берилишига ҳаракат қилажаклар.

6-МОДДА

Ушбу битимнинг амалда рўёбга чиқарилишига кўмаклашиш ва унинг рўёбга чиқарилишини кузатиб туриш Совет Социалистик Республикалари Иттифоқи билан Германия Федератив Республикасининг иқтисодий ва илмий-техникавий ҳамкорлик комиссиясига топширилади ва бу комиссияда экономиканинг мўътабар ва манфаатдор органлари иштирок қилади. Ушбу битим мақсадларига эришмоқ учун мазкур органлар иштирокидаги комиссия ҳамкорликнинг асосий йўналишлари тўғрисидаги узоқ муддатли программани ишлаб чиқади.

7-МОДДА

1971 йил 3 сентябрдаги тўрт томонлама битимга биноан ушбу битим белгиланган процедураларга мувофиқ Берлинга (Ғарбий Берлинга) жорий қилинади.

8- МОДДА

Ушбу битим аҳдлашувчи томонлар илгарироқ тузган икки томонлама ва кўп томонлама шартномаларга ва битимларга дахл қилмайди. Шу сабабли, зарур бўлиб қолган тақдирда, аҳдлашувчи томонлар шу томонлардан бирининг таклифига биноан ўзаро маслаҳатлашиб турадилар, аммо бу маслаҳатлашишлар ушбу битимнинг асосий мақсадларига дахл қилмаслиги керак.

9-МОДДА

Ушбу битимнинг амал қилиш муддати 25 йилга мўлжалланган. Битим амал қиладиган дастлабки муддат 10 йил қилиб белгиланди, шу муддат ўтганидан кейин битим аҳдлашувчи томонларнинг келишувига биноан ҳар сафар навбатдаги 5 йиллик даврга чўзилажак.

10-МОДДА

Ушбу битим аҳдлашувчи томонлар ҳар иккала давлатдан бири бунинг учун зарур расмиятлар адо этилди, деб бир-бирларини хабардор қилганларидан сўнг кучга киради.

Битим Боннда 1978 йил 6 майда ҳар бири рус ва немис тилларида иккита асл нусхада тузилди, ҳар иккала нусха тексти ҳам баб-баравар кучга эгадир.

Совет Социалистик Республикалари Иттифоқи номидан
Л. БРЕЖНЕВ,
А. ГРОМИКО.

Германия Федератив Республикаси номидан
Г. ШМИДТ,
Г.-Д. ГЕНШЕР.

МАТБУОТ КУНИ ШАРАФИГА

Ўртоқ Л. И. Брежнев оммавий информация ва пропаганда воситаларини янги инсонни шакллантириш каби катта ва мураккаб ишда, капитализм дунёси билан мафкуравий курашда қудратли восита деб атади. Уларнинг ғолибий таъсир кучи жуда катта. Бизнинг мамлакатимизда СССР халқларининг 56 тилида 8 мингга яқин газета нашр этилмоқда. 6862 журнал ва журнал типидаги нашрлар чиқарилмоқда.

Пойтахт жамоат ташкилотлари газета ва журнал редакциялари, информация агентликлари, телевидение, радио, нашриётлар, полиграфия корхоналари ходимлари ва ишчи мухбирлари активининг 5 майда Москвада «Октябрь» залида бўлиб ўтган тантанали йиғилиши матбуот кунига бағишланди.

Йиғилишни КПСС Москва шаҳар комитетининг секретари В. Н. Макеев очди. «Сельская жизнь» газетасининг бош редактори А. П. Харламов доклад қилди.

Йиғилиш иштирокчилари КПСС Марказий Комитети, СССР Олий Совети Президиуми, СССР Министрлар Советига табрикнома қабул қилдилар. (ТАСС).

Л. И. БРЕЖНЕВнинг ГФР телевидениеси орқали сўзлаган нутқи

(Бошк иккинчи бетда).

Бизда, Совет Иттифоқида урушдан ёки унга тайёргарлик кўришдан манфаатдор бўлган ва шу орқали бойиб қолишни мўлжаллаётган на синфлар, на социал табақалар, на профессионал группалар бор. Бизда ҳарбий заводлар, армия бор албатта, — лекин на ана шу заводларнинг раҳбарлари, на армиянинг командирлар состави, на шичилар, на солдатлар ўз фаровонликларини уруш билан, ҳарбий буюртмалар билан боғламайдилар. Биз бутун жамиятнинг манфаатини кўзлаб, ҳарбий заводларни ҳам тинч маҳсулот ишлаб чиқаришга ўтказишни, тинч, бунёдкорлик мақсадларида ишлатишни жуда хоҳлар эдик.

Бизнинг мамлакатимизни кўпинча улкан қурилиш майдонига ўхшатишади. Бу образли ифода эмас, балки фактнинг ўзидир. Йўқа кўп иморатлар қўряпмиз. Қўряпмизгина эмас, балки мамлакатимиз қиёфасининг ўзини ҳам ўзгартиряпмиз, дейиш мумкин.

Тасаввур қилиб кўринг-а: биз таҳминан Франция территориясига баравар келадиган майдонда юксак маҳсулдор қишлоқ хўжалигини амалда янгидан вужудга келтиришга қарор қилдик. Ҳамма ишлар, шу жумладан катта-катта майдонларнинг захини қочириш ва уларни суғориш ишлари асосан 1990 йилга борибгина тугайди. Лекин 1980 йилдаёқ шу ерлар Совет Иттифоқи жами қишлоқ хўжалиги маҳсулотнинг олтидан бир қисмини бериши керак.

Бошлаган ишларимиз ва режаларимиз келгуси неча ўн йилларга мўлжалданган. Битта ёки иккита эмас, балки ўнлаб лойиҳаларни ишлаб чиқаряпмизки, уларнинг ҳар бири ўз кўлами жиҳатидан баъзи давлатларнинг планларидан ҳам устунлик қилади. Шу лойиҳаларнинг ҳар бири миллион-миллион кишиларнинг, бутун халқимизнинг фаровонлигини оширишни ўзига пировард мақсад қилиб қўяди.

Биз социал доирада ҳам тобора каттароқ кўламдаги сермеҳнат вазифаларни ҳал этяпмиз. Бир мисол келтираман. Илк бор янги Конституциямизда уй-жойли бўлиш ҳуқуқини таъкидлаб қўйдик. Бундай ҳуқуқни шунчаки вазъа қилиб бўлмайди. Уни амалга ошириш учун ғоят катта куч сарфланмоқда. Ҳар йили 11 миллион киши янги квартираларга кўчиб кирмоқда. Биздаги давлат уйларида олинадиган ижара ҳақи эса ниҳоятда оз. Бундай ҳақ 50 йил аввал белгиланган эди, шундан бери оширилгани йўқ. Буларнинг ҳаммаси жамият, давлат уй-жой харажатларининг тобора каттароқ қисмини ўз зиммасига олаётганлигини билдиради. Ёки бошқа бир мисол, бизда бутун аҳолига дунёда энг кенг кўламда бепул медицина хизмати кўрсатилса керак. Бутун жаҳонда ишлаб турган ҳамма врачларнинг учдан бири совет врачларидир. Лекин гражданларнинг соғлиғини сақлаш борасида Конституцияда белгиланган ҳуқуқларини энг кўп даражада самарали гарантияламоқ учун янада катта капитал маблағлар сарфлаш, социал тадбирлар ўтказиш, илмий изланишлар олиб бориш зарур. Бундай мисолларни кўплаб келтириш мумкин.

Буларнинг ҳаммасини ҳеч оддий вазифалар деб бўлмайди. Бизда мураккаб проблемалар ҳам, камчиликлар ҳам оз эмас, лекин биз шу проблемаларни миллион-миллион гражданларнинг ўсиб бораётган активлиги ва ташаббуслари ёрдами билан ҳал этяпмиз. Бирдан-бир шарт — янги жаҳон урушининг олдини олишга муваффақ бўлиб, тинч-тотув яшаш пухта заминида узоқ муддатли тинчликни таъминлаган тақдиримиздагина шу проблемаларни албатта ҳал этамиз. Мана шуларни назарда тутганда сиёсатимизнинг тинчликсеварлиги — қуруқ олифтагарчилик бўлмасдан, балки турмушимизнинг моҳияти ана шундан иборат эканлигини тушуниб олиш қийин эмас. СССР халқаро йўлининг ўзгармаслик ва барқарорлиги гарантияси мана шундан иборат бўлиб, унинг тинчлик, қуролсизланиш, халқлар хавфсизлигидан иборат мақсадлари ҳар бир кишига равшан, тушунарли ва яқин деб ўйлайман.

Совет Иттифоқи халқаро майдонда ўртага қўяётган муҳим конкрет таклифлар айни шу мақсадларга бўйсундирилган. Биз дастлабки палладаларда катта ҳарбий потенциалга эга бўлган давлатларнинг ҳеч бўлмаганда қурол яроғлари ва қуролли кучлари кўпайишини тўхтатиш ниятидамиз. Биз энг сўнгги пайтда кўрсатган ташаббусларимизнинг моҳияти шундай.

Германия Федератив Республикасининг муҳтарам граждонлари!

Май ойи биринчи ўн кунлигининг охири мамлакатларимиз, халқларимиз учун алоҳида кунлардир. Биз ҳар йили шу вақтда Европа диёрида иккинчи жаҳон уруши жангларининг тугаганлигини нишонлаймиз. Шу кунларни кўп жиҳатдан бир-бирига тўғри келмайдиган ҳис-туйғулар билан қар хил қилиб нишонлаймиз, албатта. Бунинг сабаби аён. Лекин кайфият ва ҳис-туйғулардаги тафовутлар мавжуд бўлиб қолмасдан, менинг назаримда ҳозирги кунларда улар ўртасида жиддийроқ, янада муҳимроқ умумийлик ҳам бор. Халқларимиз ўтган урушда жуда катта, тўлдириб бўлмайдиган талафотлар бердилар. Бугунги кунда янги авлод ўсиб етишиб, уруш тўғрисида СССР ва ГФРдаги ҳар икки кишининг бири китоблардан ўқиб гина билиши мумкин бўлсада, ўтмиш бизни яқиндаги тарихдан ўзимизга сабоқ олишимизга ундайди, тинч-тотув бўлиб яшаш, яна бир фожиа чиқишига йўл қўймасликка бўлган муддаоимизни мустаҳкамлайди.

Бенистсно ҳамма давлатларнинг масъул сиёсатчилари бир-бирларига, ўз халқларига: уруш бўлмаслиги керак деб айтиб, дарҳақиқат уруш бўлмаслиги учун мумкин бўлган ҳамма ишларни қиладиган пайтлари аллақачон етиб келган деб ўйлайман. Лекин вақт кутиб турмайди: йўқотилган ҳар бир кун, ҳар қандай кечикиш, ҳар бир сусткашлик инсониятга, ҳаммамизга ҳаддан ташқари қимматга тушиши мумкин.

Муҳтарам телетомошабинлар, Бонида ўтказилган музокаралар чоғида ҳам биз мана шуларга амал қилдик. Бу ерда қабул қилинган ҳужжатларнинг катта аҳамияти бор.

Масалан, биз канцлер Г. Шмидт билан биргаликда имзолаган декларацияда томонлар ГФР билан СССР ўртасидаги сиёсий ҳамкорликни мустаҳкам, доимий негизда ривожлантиришга аҳд қилганликлари ифода этилган. Бу гаплар икки томонлама ишларга ҳам, шунингдек катта-катта халқаро масалаларга ҳам, даставвал тинч-тотув яшаш, кескинликни юмшатиш, қуролланиш пойгасини жиловлаш каби масалаларга ҳам тааллуқлидир. Ғоятда узоқ муддатли истиқболга — шу минг йиллик охиригача мўлжаллаб иқтисодий алоқалар кенг кўламда ривож топтирилишини кўзда тутувчи битим ҳам имзоланди. Мамлакатларимизнинг тинч ҳамкорлик қилишлари учун салмоқли моддий пойдевор вужудга келтирилмоқда.

Дуруст натижаларга эришилди. Бизнинг нуқтаи назаримиздан қараганда, эндиги вазифа эришилган аҳдлашувларни реал ишларга, халқаро майдонда биргалашиб кўрсатиладиган реал куч-ғайратларга айлантиришдан иборатдир. 1970 йилда Москва шартномасини имзолаш билан бошланган тарихий ишни муносиб давом эттираверайлик. Яхши ҳамкорлик анъаналарини мамлакатларимиз халқларининг манфаатлари йўлида, Европада ва бутун дунёда тинчликни янада мустаҳкамлаш ва самарали ҳамкорликни ривожлантириш йўлида кучайтириб, бойитиб бораверайлик!

Пировардида самимий қабул ва меҳмондўстлик учун мезбонларимиз — Федерал Президент Вальтер Шеелга, Федерал канцлер Гельмут Шмидтга, биз учрашган ва музокаралар олиб борган ҳамма кишиларга, ГФР аҳолиси, ҳаммаларингизга сидқидилдан миннатдорчилик билдиришимга руҳсат этгайсиз.

Хуш қолинг! Кўришгунча хайр!

Л. И. БРЕЖНЕВНИНГ БОННДАГИ СУҲБАТЛАРИ

БОНН, 6 май. (ТАСС). Бугун куннинг биринчи ярмида КПСС Марказий Комитетининг Бош секретари, СССР Олий Совети Президиумининг Раиси Л. И. Брежнев Христиан-демократик иттифоқ раиси Г. Коль билан суҳбат ўтказди.

Христиан-демократик иттифоқ — христиан — социал иттифоқнинг бундестагдаги фракцияси раисининг ўринбосари Р. фон Вайцзеккер ҳам иштирок қилган шу суҳбат давомида ҳар иккала томонни қизиқтирувчи баъзи масалалар муҳокама қилинди.

БОНН, 6 май. (ТАСС). КПСС Марказий Комитети Бош секретари, СССР Олий Совети Президиумининг Раиси Л. И. Брежнев христиан-социал иттифоқ раиси Ф. Й. Штраус билан учрашди. Бир қанча сиёсий проблемалар устида фикрлашиб олинди.

Л. И. БРЕЖНЕВ ГЕРМАНИЯ КОММУНИСТИК ПАРТИЯСИ РАҲБАРЛИГИНИНГ ВАКИЛЛАРИ БИЛАН УЧРАШДИ

6 майда КПСС Марказий Комитетининг Бош секретари Л. И. Брежнев ҳамда ГФРда у билан бирга меҳмон бўлиб турган КПСС Марказий Комитетининг аъзолари Н. А. Тихонов, Н. С. Патоличев, Б. П. Бугаев, Л. М. Замятин, КПСС Марказий Комитетининг аъзолигига кандидат А. М. Александров, КПСС Марказий ревизия комиссиясининг аъзолари А. И. Блатов, А. С. Черняев Германия Коммунистик партиясининг раиси Г. Мис, ГКП правлениеси президиумининг аъзолари К. Фрич, Л. Мюллер, Г. Поликайт, ГКП правлениесининг секретари К. Г. Шредер, правление аъзолари В. Герке ва Б. Ландефельд билан учрашдилар.

Л. И. Брежнев Германия Коммунистик партиясининг раҳбар арбоблари билан ўртоқларча самимий суҳбатлашди.

Г. Мис Л. И. Брежневни қардошларча қизғин табриклади. ГКП раиси КПССнинг тинчлик, хавфсизликни мустаҳкамлашга, халқларнинг озодлиги ва мустақиллиги ишига қаратилган актив ва изчил сиёсатига юксак баҳо берди. У Л. И. Брежневнинг ГФРга қилган янги визити Совет—Ғарбий Германия сиёсий ва иқтисодий муносабатларини узоқ муддатли мустаҳкам заминда ривожлантириш учун, бутун халқаро вазиятни, айниқса Европадаги вазиятни яхшилаш, халқаро кескинлик юмшатишнинг мустаҳкамлаш ва янада олға силжитиш учун катта аҳамиятга эга эканлигини таъкидлади. Л. И. Брежневнинг визитини Федератив Республикадаги ишчилар синфи, ҳамма гинчликсевар демократик кучлар тамомила маъқуллаяптилар, деди Г. Мис.

Л. И. Брежнев ўз мамлакати меҳнаткашларининг манфаатларини, Европада ва бутун дунёда тинчлик ишини фидокорлик билан ҳимоя қилаётган Германия Коммунистик партиясининг фаолиятига совет коммунистларининг чуқур ҳайрихоҳлик хистуйғуларини изҳор этди. У Ғарбий Германия коммунистларининг ГФР билан СССР ўртасидаги яхши кўшничилик муносабатларини ҳар томонлама ривож топтириш учун, иккала мамлакат халқлари ўртасида дўстлик ва ишончи учун матонат ва қатъият билан олиб бораётган кураши аҳамиятини алоҳида таъкидлади. Ҳозирги вазиятда термоядро уруши хавфини камайтиришга, сўнгра эса йўқотишга муваффақ бўлиш-бўлмаслик масаласи ҳал этилаяпти. Қуролланиш пойгаси сиёсатига қарши туришга, шу пойгани жиловлашга, халқаро муносабатлар тинч ривожланишини таъминлашга қодир ҳамма кучлар шу масалани ҳал этишга катта ҳисса қўшишга даъват этилгандирлар.

Суҳбат охирида Л. И. Брежнев ГФР коммунистларига ўз халқининг фаровонлиги учун олиб бораётган самарали ишида муваффақият тилади.

(ТАСС).

Л. И. БРЕЖНЕВ Г. ВЕНЕР ВА В. МИШНИК БИЛАН УЧРАШДИ

БОНН, 5 май. (ТАСС). Бу ерда КПСС Марказий Комитетининг Бош секретари, СССР Олий Совети Президиумининг Раиси Л. И. Брежнев Германия социал-демократик партияси бундестагдаги фракциясининг раиси Г. Венер ва эркин демократик партия фракциясининг раиси В. Мишник билан учрашди.

ГФР ҳукумат коалициясини ташкил этган партиялар фракцияларининг раислари Л. И. Брежневнинг ГФР раҳбарлари билан олиб бораётган музокараларидан мамнун эканликларини билдирдилар. Г. Венер билан В. Мишник Москва Шартномасида белгиланган йўлни давом эттиришга бундан буён ҳам актив ёрдам беришга қатъий бел боғлаганликларини таъкидладилар.

Л. И. Брежнев Германия социал-демократик партияси ва эркин демократик партиянинг парламент аъзолари Совет — Ғарбий Германия муносабатларини ривожлантиришда муҳим роль ўйнаётганлигини таъкидлади ва Г. Венер билан В. Мишникнинг кескинликни юмшатиш ва тинчликни мустаҳкамлаш соҳасидаги фаолиятида муваффақиятларга эришувларини тилади.

ЎЗБЕК ТИЛИДА НАШР ЭТИЛДИ

КПСС Марказий Комитетининг Бош секретари, СССР Олий Совети Президиумининг Раиси ўртоқ Л. И. Брежневнинг 1978 йил 25 апрелда Бутуниттифоқ Ленинчи Коммунистик Ёшлар Союзи XVIII съездида сўзлаган нутқи тексти ўзбек тилида брошюра қилиб нашр этилди.

Ўзбекистон ЛКСМ Марказий Комитетининг «Ёш гвардия» нашриёти бу брошюрани кўп нусхада чоп этди. (ЎзТАГ).

ҚОҒОЗСИЗ ВА МАСОФАСИЗ ГАЗЕТА

Қоғозсиз ва масофасиз газета ҳисобланган телевидение ва радио ҳаётимизга мустаҳкам синғиб кетди. КПСС сиёсатини, ўртоқ Л. И. Брежневнинг йўл-йўриқлари ва тавсияларини амалга оширишда телевидение ва радионинг аҳамияти ғоят каттадир. 6 май куни Тошкентдаги А. Навоий номли театрда Радио кунига бағишлаб ўтказилган тантанали йиғилишда ана шу ҳақда гапирилди. Ўзбекистон ССР Министрлар Совети Телевидение ва радиоэшиттириш Давлат комитетининг раиси У. Е. Иброҳимов доклад қилди.

Йиғилишда Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитети бюросининг аъзолари М. М. Мусахонов, А. А. Хўжаев, Ўзбекистон ССР Олий Совети Президиуми Раисининг ўринбосари А. С. Абдалин, республика Министрлар Совети Раисининг ўринбосари Р. Ҳ. Абдуллаева иштирок этдилар.

(ЎзТАГ).

Дўстлик фестивали тўлқинида

«Биз — ватанпарвар, интернационалистлармиз!» фестивали Ўзбекистон йигит-қизларининг Ленин васиятларига чексиз садоқати, кекса авлод анъаналарини муқаддас билиб, уларга амал қилишга тайёрлиги ёркин намойишига айланиб кетди. Бу фестиваль республикамизнинг ҳамма жойида ўтказилди. Комсомол сафларининг кўриги ҳисобланган шу ёшлар байрамининг якунловчи босқичи унинг ажаи бўлади. Ёшлар бу байрамга КПСС Марказий Комитети Бош секретари, СССР Олий Совети Президиуми Раиси ўртоқ Л. И. Брежневнинг ВЛКСМ XVIII съездида сўзлаган программ нутқидан илҳомланган, Леонид Ильич Сибирь ва Узоқ Шарқ районларига қилган сафари чоғида айтган тавсия ва кўрсатмаларини бажаришга бел боғлаган ҳолда меҳнат ғалабалари рапортлари билан келди.

6 май куни Тошкентдаги «Пахтакор» стадионида бўлиб ўтган республика фестивалининг тантанали очилиш маросимида йигит-қизлар буни яна бир карра таъкидладилар. Фестивалга областлар, Қорақалпоғистон АССР делегациялари, бошқа иттифоқдош республикалардан меҳмонлар, қаҳрамон шаҳарлар — Москва, Ленинград, РСФСРнинг Новгород ва Иваново областлари вакиллари тўпландилар. Байрам бошланғунга қадар фестиваль қатнашчилари В. И. Ленин ҳайкали пойига гуллар қўйдилар.

... Соат 18. «Пахтакор» стадиони безанган ва тантанавор. Минбарлардан бирида «Биз — ватанпарвар, интернационалистлармиз!» деган сўзлар ва фестивалнинг эмблемаси пайдо бўлади. Ленин комсомолининг 60 йиллигига ҳамда ёшлар ва студентларнинг Кубада ўтказиладиган XI жаҳон фестивалига бағишланган байрам очилади.

Ўзбекистон ЛКСМ Марказий Комитетининг биринчи секретари Э. Ғ. Ғафуржонов тантана қатнашчиларига табрик сўзлари билан мурожаат қилади.

ВЛКСМ Марказий Комитетининг секретари В. В. Григорьев, «Электроаппарат» заводининг ишчиси, ВЛКСМ XVIII съездининг делегати Юрий Родионов, кубалик студент Гиермо Портуондо йигит-қизлар ҳузурида нутқ сўзладилар.

Фестиваль байроғи кўтарилади. Туркистонлик 14 комиссар ёдгорлиги пойидаги мангу машъалдан ўт олдирилган машъални келтираётган ҳарбий транспортёр стадионда пайдо бўлади. Фестиваль олови аланга олади. Каптарлар ва рангбаранг пуфакларнинг осмонга учади. Тантанали маросимдан сўнг стадионда оммавий спорт ўйинлари ва театрлаштирилган томошалар бошланди.

Республика фестивалининг якунловчи босқичини очишда Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитетининг секретари О. У. Салимов, Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитети бюроси аъзолигига кандидат Г. М. Орлов ҳозир бўлдилар.

(ЎзТАГ).

ҚИШЛОҚ МУХБИРЛАРИ ХАБАР ҚИЛАДИЛАР

ЧИНОЗ. Собир Раҳимов номли колхознинг Мирза Қодиров, Ҳофиз Қосимов, Тоғфур Мунаввароров бошлиқ юқори ҳосилли бригадаларида ғўза парвариши қизғин тус олди. Механизаторлар қатор ораларига ишлов бериш кормасини 1,5—2 баробар қилиб бажаришмоқда.

А. ОБИДОВ.

* * *

ПИСКЕНТ. Ҳосилдорликни кескин ошириш учун курашаётган Умар Йўлчиев бошлиқ бригада аъзолари чигитни бир текисда ундириб олишди. Энди ликда ҳар туп ниҳол авайлаб парваришланмоқда. Бу ишда ўрнак кўрсатаётганлар рағбатлантирилаётир.

Свердлов номли колхознинг бошқа бригадалари аъзолари ҳам ғайрат кўрсатишмоқда.

М. АБДИРАИМОВА.

* * *

ЯНГИБОЗОР. Бу йилги режамиз улкан, — дейди «Ўзбекистон» колхозининг бригада бошлиғи Қидирбой Мауленов.— ҳар гектар ердан 60 центнердан «оқ олтин» етиштирамиз. Бунинг учун барча имконият мавжуд. Энг муҳими ишнинг сифатига аҳамият беряпмиз. Гектарларда тўлиқ кўчатлар ҳосил қиламиз. Уларни қалб ҳарорати билан ардоқлаймиз.

Ж. АБДИЕВ.

* * *

БЎКА. Соцналистик Меҳнат Қаҳрамони, «Бўка» совхозининг машҳур механизатори Мария Ковалева рулга ўтирди. У ўзи раҳбарлик қилаётган бригада ғўзаларини культивация қилиб, озиқлантираётир. Ҳар бир кўчатнинг дуркун ўсиши учун культиваторларнинг иш органларидан унумли фойдаланмоқда.

Ю. АНОРБОЕВ.

* * *

ОҚҚУРҒОН. Султон Сегизбоев номли совхознинг маккажўхорикорлари ўтган йили ҳар гектар ердан 80 центнердан «қаҳрабо дон» етиштириб, зиммаларига олган мажбуриятларини ортиғи билан бажаришганди. Уларнинг бу йилги режалари яна ҳам улкан. Гектаридан 100 центнердан дон олинади. Маккажўхорикорлар кундалик тошпириқни ортиғи билан бажариб, ниҳолларнинг дастлабки парваришини сифатли ўтказдилар.

О. ТУРАҚУЛОВ.

ХАЛҚАРО ҲАЁТ

ВОҚЕАЛАР, ФАКТЛАР, ЯНГИЛИКЛАР

ЖУДА КАТТА АҲАМИЯТГА МОЛИК ВОҚЕА

КПСС Марказий Комитетининг Бош секретари, СССР Олий Совети Президиумининг Раиси Л. И. Брежневнинг ГФРга қилган визити чет эл матбуотининг диққат-марказида турибди. Чет эллардаги оммавий ахборот воситалари қуйидагиларни таъкидлаб ўтмоқдалар: ўртоқ Л. И. Брежнев Германия Социал-демократик партиясининг «Форвертс» ҳафтаномаси мухбирининг саволларига берган жавобида ГФР билан СССР ўртасидаги муносабатларнинг аҳволи халқаро кескинликни юмшатишнинг, Европада ва бошқа қитъаларда ҳам тинч-тотув яшашнинг сезиларли кўрсаткичидир, деб қайд қилди.

Германия Социал-демократик партиясининг бундестагдаги фракциясининг ташқи сиёсий масалалар билан шуғулланувчи ишчи группаси раиси **М. Шлай** бундай деди: Совет пархия ва давлат арбоби Л. И. Брежневнинг ГФРга қилган визити давомида ҳар икки давлатнинг раҳбарлари тинчликни сақлашдан, кескинликни юмшатиш ва куролсизланишдан, шунингдек икки томонлама муносабатларни ривожлантиришдан манфаатдор эканлигини намойиш қиладилар. Л. И. Брежнев ўз визити бошланиши олдидан «Форвертс» ҳафтаномаси мухбирининг саволларига берган жавобларида «дахшат мувозанати»га қарши чиқиб, ишончи мувозанатини ёқлаганлигини айтди ва кескинликнинг юмшатилишини чуқурлаштиришни, халқаро ҳамкорлик даражасини оширишга ва унинг мазмунини бойитишни, аввало куроллаиш пойгасини тўхтатиш ва сўнгра куролсизланишнинг самарали йўлини қунт билан кидириб топишни таклиф этди.

Совет Иттифоқи, деб таъкидлайди **«Вестфелише рундшау»** газетаси, Венада томонларнинг Марказий Европадаги қуролли кучлари ва қурол-яроғ даражасини беш процент, ўн процент, йигирма процент, агар маъқул бўлса, эллик процент камайтириш тўғрисидаги битимни имзолашга доим тайёрдир. Аммо шундай қилиш керакки, бир томонга фойдаю, иккинчи томонга зарар бўлмасин.

Парижда чиқадиган **«Юманите»** газетаси қуйидагиларни уқтириб ўтади: «Совет — Ғарбий Германия муносабатлари Европада кескинликни юмшатиш соҳасида олға қараб қадам қўйишга анча катта ёрдам беради. СССРнинг сиёсати ҳамиша китъадаги вазиятни барқарор этиш, янги жаҳон урушининг бошланиш хавфини йўқотишни, хавфсизлик ва ҳамкорлик учун шарт-шароитлар вужудга келтиришни ўз олдига мақсад қилиб қўйган».

Л. И. Брежневнинг ГФРга визити халқаро кескинлик умуман юмшашиб бораётган бир шароитда ва БМТ Бош Ассамблеясининг куролсизланишга бағишланган махсус сессиясида куролсизланиш проблемаларини муҳокама қилиш каби жуда муҳим воқеа арафасида ўтказилмоқда, деб уқтириб ўтади Франциянинг **«Котидьен де Пари»** газетаси.

Англиянинг **«Таймс»** газетаси Бонндан хабар беради: бу ерда Л. И. Брежневнинг визитига жуда катта аҳамият бермоқдалар. Л. И. Брежнев билан Г. Шмидт деб таъкидлайди газета, кескинликни юмшатиш, куролсизланиш ва қурол-яроғлар устидан назорат ўрнатиш проблемалари юзасидан бир-бирларининг фикрларини билиб, ўз позицияларини асослаб бера оладилар.

Шу муносабат билан **Рейтер** агентлиги қуйидагиларни эслатиб ўтади: Л. И. Брежнев ўз суҳбатида Совет Иттифоқи Марказий Европада Қуролли Кучларини ва қурол-яроғларини ва қурол-яроғларни сезиларли камайтиришга тайёр эканлигини айтди. Бундай битим Шарқни ҳам, Ғарбни ҳам ноқулай аҳволга солиб қўймаслиги мухимдир.

Польшанинг марказий газеталари Л. И. Брежневнинг ГФРга қилган визити тўғрисида Москвадан ва Бонндан олинган хабарларни «Хавфсизлик ва ҳамкорлик манфаатларини кўзлаб», «Катта сиёсий аҳамиятга молик воқеа» деган сарлавҳалар остида босиб чиқардилар. Совет Иттифоқида, деб ўқтириб ўтади **«Трибуна люду»** газетаси, бу визитга катта аҳамият берилмоқда. Бунинг боиси шуки, ана шу визит икки томонлама ҳамкорликни янада ривожлантириш ва Европада сиёсий вазиятни яхшилашда катта роль ўйнаши керак.

Венгриянинг **«Мадьяр хирлап»** газетаси қуйидагиларни таъкидлайди: ўртоқ Л. И. Брежневнинг Боннга қилган визити ва унинг ГФР раҳбарлари билан олиб борадиган музокаралари ишончи мувозанатини таъминлаш шиори остида бошланди. Л. И. Брежневнинг «Форвертс» ҳафтаномасида босилган суҳбати билан танишиб чиққандан кейин шундай ҳулосага келиш мумкин.

(ТАСС).



СССР ва ГФР ўртасида савдо-иқтисодий алоқалар тобора кенгайиб бормоқда. 1970 йилдан то 1976 йилгача ҳар икки мамлакат ўртасидаги товар айирбошлаш беш баравар кўпайди.

Суратда: СССР Давлат банки ва Ғарбий Германия Гессени қарорига кўра Франкфурт-Майнда барпо этилган «Ост-Вест Ханделсбанк»и биноси.

А. Урбан фотоси.
(ТАСС фотохроникаси).

Редактор
А. ИСМОИЛОВ.

Телевидение

МАРКАЗИЙ ТЕЛЕВИДЕНИЕНИНГ «ВОСТОК» ПРОГРАММАСИ

9.00 — «Вақт». 9.50 — «Зарядкага сафланинг!». 10.05 — Концерт. 10.30 — «Будильник». 11.00 — «Совет Иттифоқига хизмат қиламан». 12.00 — Ҳужжатли фильм. 13.00 — Мусиқали киоск». 13.30 — «Қишлоқ янгиликлари». 14.25 — «Болалар фронтга отландилар» (бадиий фильм). 15.45 — «Аср йигитлар». 16.15—«Халқаро панорама». 16.45 — «Шундай бўлаверади» (фильм-спектакль). 19.45 — «Киносаёҳатчилар клуби». 20.45 — «Санъат солдатга» (мусиқали фильм). 21.30 — «Вақт». 22.00 Хоккей. ЧССР — Швеция.

ЎЗБЕКИСТОН ТЕЛЕВИДЕНИЕСИНИНГ ПРОГРАММАСИ

10.00 — Янгиликлар. 10.10 — Мультфильм. 10.20 — Концерт. 11.05 — «Ёш киноҳавасқорлар клуби». 12.00 — «Исмингни унутма» (бадиий фильм). 13.35 — Самбо кураши бўйича Бутуниттифоқ турнири. 17.40 — Мультфильмлар. 18.10 — «Доре-ми-фа-соль». 18.50 — «Ёшлик». 19.15 — «Ахборот». 19.30 — «Икки гулшани». 20.30 — «Ахборот». 20.50 — О. Отажонов куйлайди. 21.30 — «Вақт» (Москва). 22.00 — «Ноз-неъмат бунёдкори». 22.15 — «Жудоликдаги йиллар» (телетеатр, 3-қисм).

ТОШКЕНТ ШАҲРИ ВА ТОШКЕНТ ОБЛАСТИ УЧУН ПРОГРАММА

19.00 — Болалар учун фильм. 19.15 — Ўқув кўрсатуви. 19.55 — «Май юлдузлари» (бадиий фильм). 21.25 — Ҳужжатли фильм.

Кино

ҚИШЛИ БИНОДА

САНЪАТ САРОЙИ — Қамал (3 ва 4 серияли, кундуз ва кечқурун).

Тақдир — «КОМСОМОЛ 30 ЙИЛЛИГИ» (12, 14.30, 17.30), «ТОШКЕНТ СОВЕТИНИНГ 50 ЙИЛЛИГИ» (12.15, 18, 20.45), ҲАМЗА номли (11, 13.30, 16, 18.30, 21.00), «ДЎСТЛИК», «ЎЗБЕКИСТОН 25 ЙИЛЛИГИ» (кундуз ва кечқурун).

Қамал — «НУКУС» (1 ва 2 серия, кундуз ва кечқурун), «ЧАЙКА» (3 ва 4 серия, кундуз ва кечқурун).

Шаҳарни асранг — «КЎКЧА» (кундуз ва кечқурун).

Тиль ҳақида афсона—«КОМСОМОЛ 30 ЙИЛЛИГИ» (20.00).

ЁЗГИ БИНОДА

Тақдир — «ХИВА» (20.30).

Қамал—«ФЕСТИВАЛЬ» (20.30).

БИЗНИНГ АДРЕС: 700000, ГСП, Тошкент, ЛЕНИН проспекти, 41

Редактор ўринбосарлари— 335885, 325747, 337916, 325748; масъул секретарь — 334808, 325353; секретариат — 325750. БЎЛИМЛАР: оммавий ишлар ва хатлар — 334048; партия турмуши — 325778; пропаганда — 325645; саноат, капитал қурилиш ва транспорт — 325749; қишлоқ хўжалиги — 325647; маданият — 325558; адабиёт ва санъат — 325767; совет қурилиши — 325553; ахборот, спорт ва ҳарбий ватанпарварлик — 325733; рассом — 325645; фотомухбир — 325894.

Р. 02415. Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитети нашриётининг Меҳнат Қизил Байроқ орденли босмахонаси, Тошкент шаҳри. Индекс 64583. Д—2402.